БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 18 (19.689). • 1987 йил 22 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ТРАНСПОРТГА — АНИҚ МАРОМ

Ишда уюшқоқликни ошириш ўрнига ҳамма айбни қишга тўнкаш кайфиятига барҳам берайлик

Қиш бекорчилик эмас. Узоқни кўролмайдиган айрим кишилар шу ҳақиқатни тўла мулоҳаза қилмай, «Йил энди бошланди, ҳар қанча иш бўлса, бафуржа бажариб оламиз» деган зарарли кайфиятдан ҳалос бўлганлари йўқ. Тажриба, турмуш ва ҳаёт кўрсатадики, қиш ойлари — иш ойлари! Иш бўлганда ҳам тиғиз, шитобли, долзарб иш ойлари ҳисобланади.

Партия XXVII съезди ишлаб чиққан мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегияси амал қилмоқда. Уни қизғин қўллаб-қувватлаётган барча совет кишилари каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам беш йилликнинг иккинчи йилини зарбдорларча бошладилар. Ҳамма ерда юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги барқ уриб турибди. Халқ хўжалиги турли тармоқларининг азаматлари қиш-қировли кунларда ҳам ишни бир маромда ташкил этиб, кун сайин юқори натижаларга эришаётирлар. Улар бутун куч ва имкониятларни ҳаракатга келтириб, беш йиллик икки йили топшириғини Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигигача адо этиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар.

Юбилейолди мусобақасининг бугунги ғолиблари қиш ойларида ҳам юксак суръат билан ишлашга пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этяптилар. Совуқ кунларда ҳам машина-ускуналар юқори унум билан ишлатилаётир. Ишлаб чиқариш binolari иситилиб, одамларнинг баракали меҳнат қилишларига имкон берадиган шарт-шароит яратилган, хом ашё ва материаллар ғамлаб қўйилган жойларда иш тезлашяпти. Шахтёрлар, энергетиклар, газчи ва нефтчиларимиз, қатор саноат корхоналари ва бошқа хўжаликлар январнинг дастлабки кунлариданоқ ишда аниқ маромни таъминлаб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириб, сифат талабларини бекаму-кўст бажармоқдалар.

Маҳсулотларнинг давлат қабули жорий қилинган корхоналарнинг кўпида ишга масъулият билан ёндашилмоқда. Хўжалик ҳисоби асосида ишлаш, харажатларни ўзи қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилаётган коллективларда ҳам давлат, меҳнат, технология интизоми талабларига қатъий амал қилинмоқда. Қишга етарли озуқа ғамлаб қўйган чорачилик комплексларида эса сут ва гўшт етиштириш маромни бузилмаяпти.

Уз ишини қайта қуриш йўлидан дадил бораётган, жадаллаштириш тадбирларини сабот-матонат билан рўёбга чиқараётган коллективларда олға силжишга, мураккаб вазиятларда ҳам юксак натижаларга эришишга муваффақ бўлмяпти. Лекин мураккаб муаммоларга дуч келганда довдираб қолаётганлар ҳам бор. Ваҳолонки, иш бор жойда муаммолар, қийинчиликлар ҳам юз бериши табиий.

Январь ойи тугаяпти. Ишда омилкорлар қийин масалаларни оператив ҳал этишнинг уддасидан чиқишмоқда. Бунга мисоллар кўп. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг фаолияти ибратли. Бу ерда хом ашё келтириш, тайёр маҳсулотни ташиб кетиш учун кўплаб темир йўл вагонлари талаб қилинади. Корхона ремонт хизмати ходимлари қўл қовуштириб ўтирмай, ўзларига ҳам, темир йўлга ҳам манфаатли ишга дадил қўл урдилар. Январнинг ўтган кунларида янги ремонт участкаси ташкил этилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу участка 60 дан ортиқ вагонни ремонтдан чиқариб, юк ортишда фойдаланишга топширди.

Лекин ҳамма жойда ҳам имкониятлардан, резервлардан фойдаланиш юзасидан шундай қатъият, омилкорлик кўрсатилаётгани йўқ. Кўпгина хўжалик ва корхоналарнинг маъмуриятлари, партия, касаба союз ташкилотлари тайёрга айёрлик кайфиятидан қутулолмаётирлар. Бундайлар ўз хўжаликлари эҳтиёжини ўзлари қондириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаяптилар, давлатдан олинадиган тайёрига умид боғлаб ўтиришибдилар. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманган шойи комбинати, Гулистон тажриба ремонт-механика заводи, Чуст пахта тозалаш заводи каби корхоналарнинг маъмурияти вагонлар ремонти масалалари билан жиддий шуғулланмаяптилар. Бу иш иккинчи даражали деб ҳисобламоқдалар.

Яна шу нарса ишга путур етказяптики, айрим хўжалик ва тармоқларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари ишда уюшқоқликни ошириш ўрнига ҳамма айбни қишга тўнкашга кўникиб қолишган. Улар вагон талаб қилишади-ю, транспорт воситаларининг юк ортиш-тушириш жараёнида нормадан ортиқ кўплаб бекор туриб қолишига йўл қўймоқдалар. Айниқса, бу аҳвол республика Давлат агросаноат комитети ихтиёридаги корхона ва ташкилотларга кўпроқ таалуқли.

Транспорт — экономиканинг қон томири, дейилиши бежиз эмас. Транспорт воситалари ҳамиша халқ хўжалигининг турли тармоқлари билан чамбарчас боғланганки, уларнинг бир дақиқа бўлса ҳам бекор туриши ишлаб чиқариш суръатига ёмон таъсир кўрсатади. Вагонлар тўхтаб қолдими, демак — қаергадир маҳсулот вақтида етиб бормайди, таъминотда узилишлар рўй беради, бошқа коллективларнинг аниқ график асосида ишлашига зарар етади. Шунинг учун транспорт воситаларидан оқилона фойдаланайлик. Уларнинг бекор туришига қарши ҳамма ерда назорат кучайтирилиши зарур.

Вагонлар аксарият корхоналарнинг кириш йўлларида юк ортиш-тушириш механизациялаштирилмаганлиги натижасида бекор туриб қолмоқда. Юк олувчилар ва жўнатувчилар корхоналарга кириш йўлларини мукаммал машина-механизмлар билан жиҳозлаш юзасидан ғамхўрликни оширишлари, ишни кеча-ю кундуз бир меъёрда ташкил этиш чораларини кўришлари зарур. Юк ортиш-тушириш билан банд бўлган кишиларга етарли шароит яратилиши, уларнинг иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланишига кўз-қулоқ бўлиб турилиши лозим. Зўр уюшқоқлик, қатъий тартиб-интизом ҳам талаб этилади.

Белоруссия темирйўлчилари тажрибаси асосида ишлаётган Урта Осиё магистрали коллективи юк ортиш-тушириш ишларини жадаллаштиришда яхши натижаларга эришмоқда. Лекин бу сохада йирик саноат корхоналарига оталиқ ёрдами кўрсатиш ҳам мумкин-ку!! Ҳамма корхоналар ҳам кириш йўлларини ортиш-тушириш механизмлари билан ускуналай олмай турган бир пайтда бу нур устига нур бўлур эди.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ташкилотлари ўтган йили қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, эгалланган марраларни бой бермаслик мақсадида сиёсий-ташкилотчилик ишларини кучайтиришлари даркор. Акс ҳолда баъзи бир корхона ва ташкилотлар қишни баҳона қилиб, ўтган йил олинган фойда ва жамғармаларни «еб» кўя бошладилар. Вагонларнинг белгиланган график бўйича ҳаракат қилмаслиги оқибатида корхона ҳамда ташкилотларни хом ашё, материаллар билан таъминлашда узилишлар рўй берганида, айрим ношуд раҳбарлар темирйўлчилар билан яқин ҳамкорлик қилиш ўрнига ўзаро даъволарни кучайтирмоқдалар. Бундай ҳол партия ва давлат интизомини қўпол равишда бузишдир.

Транспорт конвейерининг аниқ, ҳеч қандай узилишларсиз, бошқа тармоқлар билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликда ишлаши қайта қуриш тадбирларининг амалга оширилишини тезлаштиришга хизмат қилишини унутмайлик. Энг муҳими — ўзаро даъволардан кўра ўзаро ҳамкорликка амал қилиш манфаатли. Юксак масъулият, ишчанлик, мураккаб масалаларни тезлик билан ҳал этиш темирйўлчилар ва улар билан ҳамкорлик қилувчи кўплаб коллективларнинг фаолияти асосн бўлиб қолмоғи керак.

Ҳозирги пайтда транспорт ишида танглик пайдо бўлганлиги учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир транспорт ходими чуқур партиявий масъулятни астойдил ҳис этиши ва ўзининг бутун ишини мана шу тангликни тезроқ бартараф этишга қаратиши зарур. Беш йиллик иккинчи йилининг марралари муваффақиятли эгалланишига, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олинган юксак мажбуриятлар шараф билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш транспортчиларнинг шарафли бурчидир.

«Ташсельмаш» заводида маҳсулотларнинг давлат қабули амал қилмоқда. Бу ерда дастлабки тажрибалар тўпланмоқда, лекин қийинчиликлар ҳам бор.

Суратда: пахта териш машинасининг узелларини йиғиш сифати текшириб кўрилмоқда. Давлат қабули вакили Станислав Лазарев (чапда), завод техника назоратчиси Валентина Бухатова ва давлат қабули вакили Бахтиёр Сапашев.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ).

• *Қасаба союз ҳаёти: сиртқи йиғилиш*

Менга сўз беринг!

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Корхонамизда давлат қабули комиссиясининг иш бошлаши фаолиятимизга таъсир этмасдан қолмади. Илгарилари бемалол бажарилиб келинган кунлик план топшириқлар эвазига учма-уч, зўрға уддаланмоқда. Негаки давлат қабули комиссияси аъзолари ҳар бир тайёр маҳсулотни қатъий назоратдан ўтказишмоқда. Давлат стандартлари талабидан четга чиқишга йўл қўйишмаяпти. Сифатсиз маҳсулотлар шу ернинг ўзидаёқ цехларга қайтарилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонлари тўла бартараф этилгандан сўнгтина қабул қилинмоқда. Бу ўз навбатида брак маҳсулотларни тузатиш учун қўшимча меҳнат сарфлашга, айрим пайтларда ишчиларни сменадан сўнг қолиб ишлашга мажбур этмоқда.

Цехимизда шундай бўлди. Муҳим тадбир жорий этилган дастлабки кунданоқ, давлат қабули комиссиясининг вакили бир кунда тайёрланган 10 мингта шпинделнинг икки мингтасини қабул қилмади. Сифатсиз тайёрланган маҳсулотни тузатиш учун биз сменадан сўнг қолиб ишлашга мажбур бўлдик. Бу эртасига яна такрорланди. Шунда С. Котельников, В. Солодин каби айрим ишчиларнинг ишдан кўнгли совий бошлади. Биз уларга бу қийинчилик вақтинча эканлигини, ҳаммамиз бир тан-бир жон бўлиб, виждонан меҳнат қилсак, кўзланган мақсадга албатта эришишимизни тушунтирдик. Улар ойлик маошлари камайишидан ташвишланаётганликларини ҳам айтишди. Шундай бўлиши мумкинлигини улардан яширмадик. Дастлабки ойларда меҳнат унумдорлигининг бироз пасайиши ва ишчиларнинг ойлик маоши 15—20 процентга камайишини очиқ-ойдин айтдик.

Одамлар янгини қайта қуриш, олдимизда турган муаммони ҳал этиш юзасидан уларнинг тўғри мушоҳада юритишини таъминлаш масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса ҳозирги шароитда ўзаро ва мураббийчилик ҳаракатини янада кенг авж олдиришдан иборат. Цехимизда 230 киши меҳнат қилади. Ишчиларнинг 30 проценти комсомол-ёшлардир. Уларнинг кўпчилиги ҳунар-техника билим юртини битирган ва шу ердан ҳарбий хизматга чақирилиб, яна қадрдон коллективига қайтган ёшлардир. Айни ҳозирги шароитда уларни қўллаб-қувватлашимиз, коллектив ва И. Талантин каби комсомол-ёшлар социалистик мусобақада бир неча марта ғолиб чиқиб, илғорлар сафидан ўрин олдилар.

Ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳам касаба союз цех ташкилоти яқиндан ёрдам бермоқда. Цех активларининг ҳар ойда икки марта ишчилар ётоқхонасида бўлиши одат тусига кирган. Улар бу ерда ишчиларнинг турмуш шароитлари билан танишадилар, турли баҳс, мунозара ва кечалар, спорт мусобақалари ташкил этишда кўмаклашадилар.

Давлат қабулининг жорий этилиши олдимизда анча муаммолар борлигини кўрсатди. Ички резерв ва имкониятлардан фойдаланиб, нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўряпмиз. Бу борада ишни меҳнат шароитини яхшилашдан, унумли ва сифатли ишлашдан бошладик. Сменадан сўнг ювиниш ва кийим алмаштириш, дам олиш хоналарини тартибга келтирдик. Ҳозир ишчилар учун ҳаммом ва маъновий дам олиш хоналари қурилиши ҳашар йўли билан олиб борилмоқда. Бундан ташқари ишчилар бўш вақтда ва ишдан сўнг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун физкультура хонаси ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Бундай қулайликлар албатта ишимизга ижобий таъсир этади. Бироқ бизга боғлиқ бўлмаган камчиликлар ҳам борки, улар ишимизга жиддий халақит бермоқда. Жумладан, айрим дастгоҳларнинг хизмат муддати аллақачон тугаган. Ҳозир эса улардан олинаётган самара талаблар даражасида эмас. Замонавий техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этмасдан туриб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мушкул.

Завод маъмурияти, партия ва касаба союз комитети цехлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоғи лозим. Айниқса бир цехда тайёрланаётган сифатсиз маҳсулотнинг бошқа цех ишига ҳам таъсир ўтказишини унутмаслик керак. Бизда эса баъзан ана шу тартиб бузилмоқда. Касаба союз комитети назоратни бўшаштирганлиги сабабли айрим цехларда интизомга путур етяпти, маҳсулот сифати паст. Масалан, 12-тайёрлов цехида шундай бўляпти. Бу цехда тайёрланаётган сифатсиз маҳсулот бизнинг цехга ўтгач, брак қилиниб, қайтариб юборилмоқда. Натижада бундан фақат шу цех ишчиларигина эмас, бизнинг цехимиз коллективи ҳам зарар кўрмоқда. Бу гапни бошқа айрим цехларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Айни шундай нуқсонларни бутунлай тугатиш керак. Интизом ва сифат— бир-бирига боғлиқ эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Биз янги йўлда дастлабки қадамни қўйдик. Бу ҳар бир ишчининг масъулиятини кучайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга ва унинг давлат стандартлари талаблари даражасида бўлишига ундамоқда.

Э. МУҲАМЕДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ишчиси, корхона касаба союз комитети аъзоси.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ВА ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Наманган области меҳнаткашлари партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳамда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қўйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

1987 йилда саноатда планга қўшимча 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, муддатидан илгари ишлаб чиқариш плани 29 декабрга бажарилади. Тузилган шартномаларга қатъий мувофиқ равишда маҳсулот етказиб бериш топшириғи бажарилишига эришилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш план топшириқлари камида бир процент оширилади, маҳсулот таннархи қўшимча равишда 0,5 процент арзонлаштирилади.

Беш йиллик мобайнида замонавий талаблар даражасидаги камида 500 хил янги буюм турлари ва моделлари ўзлаштирилади. Аттестация қилинадиган маҳсулот ҳажмида сифат белгиси қўйилган буюмлар салмоғи 33 процентдан 45 процентга етказилади ва пландан ташқари 14 миллион сўмлик шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Тежамкорлик режимини бутун чоралар билан кучайтириб, маҳсулотнинг материал сарфини камайтириб, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий эта бориб, беш йиллик мобайнида 10,6 минг тонна шартли ёқилғи, 26,2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 9,6 минг тонна қора металл прокати тежаб қолинади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билан ишлаб чиқаришни техника билан тобора қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилади. Янги техникага оид планлар ҳар йили тўла ҳажмда бажарилади. Ҳамма жойда икки ва уч сменали иш режимига ўтиш таъминланади ва шунинг эвазига енгил саноат корхоналарида смена коэффициенти 2,8 га, машинасозликда 2 га етказилади.

5 мингта янги технология машина-ускуналари, 27 та комплекс автоматлаштирилган линия, 300 та илғор технология, 10,5 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 3400 тадан кўпроқ, шу жумладан 1987 йилда 2 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 700 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади.

1987 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилган даражага қўшимча 325 минг жуфт пойабзал, газ ва нефтни қайта ишлаш тармоғи учун 8 минг дона задвижка олинади.

Қурилиш комплекси структурасини ва хўжалик механизмини такомиллаштириб бориб, қурилиш-монтаж ишлари 1987 йилги планининг 29 декабргача бажарилиши таъминланади. Планга қўшимча 4 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Тошбулоқ район марказида пойабзал фабрикаси, Нанай поселкасида 60 ўринли касалхона ва Наманган шаҳрида 70 ўринли туғуруқхона муддатидан илгари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигигача ишга туширилади.

Социал проблемаларни ҳал этишга биринчи даражали аҳамият берилади. 2000 йилга бориб ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш мақсадида ўн иккинчи беш йилликда пландан ташқари 15 минг квадрат метр уй-жой, бундан ташқари Горький автозаводи тажрибаси асосида корхоналарнинг фондлари ҳисобидан хўжалик усулида 5 минг квадрат метр уй-жой барпо этилади.

Область халқ хўжалиги ва аҳолисининг юк ҳамда пассажир ташишга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилади. Ўн иккинчи беш йилликда планга қўшимча 630 минг тонна юк ташилади. Энг «тиғиз» соатларда пассажир транспортининг умумий сиғими камида 20 процент оширилади. Машиналарнинг газсимон ёнилғига ўтиши кўпайтирилади, бунинг эвазига 7440 тонна бензин тежаб қолинади. Вагонларнинг кузовларини яхши ҳолатда сақлаш мақсадида корхоналарнинг кучи билан камида 4350 та вагон ремонтдан чиқарилади.

Беш йиллик мобайнида 54,4 мингта телефон номери ишга туширилади. Алоқа хизматлари бўйича 1987 йилги план 27 декабргача бажарилади ва қўшимча 58 минг сўмлик хизмат кўрсатилади.

Шу беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш чоралари кўрилади. 8100 гектар янги суғориладиган ерлар қўшимча равишда оборотга киритилади. 25 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Алмашлаб экишни тўғри жорий этиш ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 35 центнергача, ҳосилни механизмлар ёрдамида йиғиштириб олиш даражаси эса 60 процентгача етказилади. Чорвачилик маҳсулдорлиги оширилади. Ҳар бир жайдари сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 2800 килограммга етказилади. Беш йиллик мобайнида давлатга пландан ташқари 24 минг тонна пахта, 2,5 минг тонна дон, 2,5 минг тонна сабзавот, 1,2 минг тонна гўшт, 2,8 минг тонна сут ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади.

Товарлар ва хизматларга доир комплекс программани бажара бориб, 1987 йилда планга қўшимча 6,5 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши таъминланади. Қўшимча 510 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилади, беш йиллик ичида эса шундай хизмат ҳажми 1,4 баравар оширилади. Областнинг барча колхозлари, совхозлари ва ташкилотларида маиший хизмат пунктлари ташкил этилади.

Чакана савдо тармоғи корхоналаридаги майдонлар 23 минг квадрат метр кенгайтирилади ва умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар 4,1 мингта кўпайтирилади.

Ўн иккинчи беш йиллик мобайнида 43 минг нафар ишчи ва 6 минг нафар мутахассиснинг малакаси оширилади. Ҳунар-техника билим юртларида оммавий касблардаги 67 минг нафар ходим тайёрланади.

Областнинг меҳнат коллективлари ўз ишларини хўжалик юритишнинг янги шароитлари асосида қатъиян қайта қура бориб, қабул қилинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишига эришамиз, республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга амалий ҳисса қўшамиз, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар областнинг меҳнат коллективларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ҚИШ ҚИШЛИГИНИ ҚИЛМОҚДА

Республика гидрометеорология марказининг хабар қилишича, бугун Ўзбекистонда ҳавонинг булутланиб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилмоқда. Шимолий-шарқдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10—15, баъзи жойларда 18 даражагача, кундузи 2—7 даража совуқ бўлади. Жанубда кечаси 5—10 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ бўлади. Қорақалпоғистон АССРда, Навоий областининг шимолида термометр кечаси 18—23, кундузи 5—10 даража совуқни кўрсатади.

Тошкентда ҳаво бироз булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимолий-шарқдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12—14, кундузи 4—6 даража совуқ бўлади.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

КОБУЛ. АДР ёзувчилар союзи мамлакатдан кетиб қолган барча афғон фан ва маданият арбобларига мурожаат қилиб, уларни ватанга қайтиб келишга даъват этди. АХДП ва ҳукумат олимлар, ёзувчилар, рассомларнинг самарали ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берилиши учун ҳамма ишларни қилаётганликлари мурожаатномада таъкидланади.

Халқ сизга маълумот олиш имконини яратиб берди, унинг меҳнати туфайли сизлар санъат ва фан билан шуғулланиш олдингиз дейилади мурожаатномада. Ҳар бир соф виждонли киши, ҳар бир афғон ватанпарвари элюртига қайтиб келиши лозим. Бугунги кунда алданган кўплаб афғонлар ўз уйларига қайтиб келмоқдалар. Сиз, афғон зиёлилари ҳозирги мураккаб даврда халқ билан бирга бўлишингиз керак, деб таъкидланади АДР ёзувчилар союзининг мурожаатномасида.

БОННГ. Германия Компартиясининг раиси Герберт Мис ГФРдаги тинчликсевар кучларга мурожаат қилиб, АҚШда ядро синовларига барҳам бериш учун бутун куч-ғайратларни сарфлашга даъват этди. Дюссельдорфда ўтказилган митингда сўзга чиқиб, у Вашингтон ядро портлатишларига СССРнинг бир томонлама мораторийсига қўшилиши ва қирғин қуролини бундан буён синашдан воз кечиши керак, деди. Германия Компартияси, деди нотиқ, ГФР Пентагоннинг ёвуз «самовий урушлар» программасида қатнашишини кўзда тутаётган битимларни дарҳол бекор қилишни талаб этади. Ғарбий Германия коммунистлари ГФР кескинликни юмшатиш, қуролсизланишни давом эттиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган сиёсат ўтказиши учун курашмоқдалар.

ЛОНДОН. Тред-Юнионлар. Британия конгресси қарорғоҳи биносида Англия жамоатчилиги вакилларининг конференцияси бўлди. Конференция қатнашчилари Рейган маъмуриятининг «стратегик мудофаа ташаббуси»ни амалга ошириш авантюрачилик режалари бутун инсониятни эўр ташвишга солиб, жаҳондаги тинчликка таҳдид қилмоқда, деб уқтирдилар. Ҳозирги вақтда «самовий урушлар»ga қарши кенг кўламдаги курашни авж олдириб юборишдан ҳам актуалроқ вазифа йўқ, дейишди нотиқлар.

ГАВАНА. БМТ ва Америка давлатлари ташкилотларининг бош секретарлари, шунингдек контадора ва мадад гуруҳлари мамлакатлари ташқи ишлар министрлари кирадиган тинчлик миссияси қатнашчилари Сан-Сальвадорга келдилар. Бу нуфузли халқаро делегациянинг Марказий Америкадаги беш мамлакатга сафаридан мақсад регондаги кризисни тинч ҳал этиш йўлларини топишдан иборат. Делегация аъзоларининг Сальвадор президенти Дуарте билан музокаралари маҳфий тарзда ўтказилмоқда. Бу тинчлик миссияси сафарининг охирги пункти-дир. Шундан кейин миссия аъзолари Мехикога жўнаб кетадилар. Бугун улар Мексика пойтахтида якунловчи кенгаш ўтказиб, унда Марказий Америкадаги беш мамлакат бўйлаб қилинган сафарнинг узилкесил якунларини чиқарадилар.

ПАРИЖ. Франция миллат мажлисидаги коммунист-депутатларнинг бир группаси Франциядаги камбағалларга дарҳол ёрдам бериш учун шошилинч чоралар кўришни ҳукуматдан талаб қилдилар. Ҳозир мамлакатдаги камбағаллар 8 миллион кишидан ҳам ошиб кетди. Парламентга аъзо коммунистларнинг бугун бу ерда тарқатилган баёнотида қуйидагилар уқтирилди: содир бўлган фожиавий аҳвол учун жавобгарлик ҳукмрон доиралар, йирик капитал манфаатини кўзлаб сиёсат юргизаётган ўнг партияларнинг ҳозирги ҳукумати зиммасига тушади. Франция коммунистик партияси ҳукуматдан оч-наҳор юрган кишиларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун маблағ ажратишни, камбағалларга ёрдам беришнинг тегишли программаларини амалга оширишни талаб қилади.

(ТАСС, 21 январь).

• *Лекция пропагандасига кенг йўл!*

ТАЪСИРЧАНЛИК КАФОЛАТИ

Ҳаққоний сўз қудратининг илҳомбахш манбаи, таъсирчанлик кафолати — лектор маҳоратидир. «Билим» жамияти аъзоларидан Жиянбой Ёқубов ва Ҳаким Отажоновнинг фаолияти сўзимизнинг далили бўла олади. Уларнинг ибратли тажрибаларига бағишланган плакатда лектор қандай бўлиши кераклиги, лекция санъати «сирлари» ва уни эгаллаш йўллари тўғрисида сўз юритилади.

Хўш, бу тажрибаларнинг характерли жиҳати нимада? Гап лекторларнинг сиёсий билими, ихтисоси бўйича маълумоти, мавзу билан танишганлигидагина эмас. Булар керак, албатта. Энг муҳими — меҳнат коллективидаги вазиятни, одамларнинг кайфиятини, ишлари ва фикр-мулоҳазаларини яхши билишда, мавзуни ҳаётий мисоллар ва фактлар билан бойитишда, қалбларга йўл топа билишдадир. Умуман идеология ишида бўлганидек, лекция пропагандасида ҳам қироатхонлик, баёнчилик, сафсатабозлик кетмайди. Вазифа — масаланинг туб моҳиятини, ҳақ гапни тушунарли тилда таъсирли қилиб айтиш, тингловчиларни ишонтириш ва мақсад йўлидаги курашга отлантиришдан иборат. Бунинг учун қунт ва талант, ижодий изланиш, бурчга юксак масъулият ҳиссси билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Бизда шундай лекторлар оз эмас. Уларнинг атеистик мавзулардаги лекциялари тингловчиларда чуқур таассурот қолдирмоқда. Диний ақидаларнинг асоссизлиги ва реакцион моҳиятини илмий далиллар, конкрет фактлар билан фош қилишдинга ишонувчан айрим кишиларнинг хурофот таъсиридан халос бўлишларига ёрдам бераётир.

Кейинги даврда КПССнинг иқтисодий сиёсати, социал-сиёсий масалалар, халқаро аҳвол мавзуларидаги лекцияларининг сифати ва таъсирчанлигини оширишга, лектор кадрлар билан ишлашни яхшилашга эътибор кучайтирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республикада лекция пропагандасини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида идеология ишининг бу участкаси партия ташкилотлари кундалик назорати остига олинди.

Область партия комитети лекция пропагандасининг аҳволини чуқур, батафсил таҳлилдан ўтказди. «Билим» жамиятининг 12 та шаҳар, 269 та бошланғич ташкилоти, 83 та илмий-методик секциялар иши ўрганилиб, яхши тажрибалар умумлаштирилди, мавжуд нуқсонларга барҳам бериш тадбирлари белгиланди.

Хонқа район партия комитети «Билим» жамияти район ташкилоти ишига раҳбарликни такомиллаштириш ва лекция пропагандасини замон талаби даражасига кўтаришга катта аҳамият бермоқда. «Билим» жамияти аъзоларининг 70 процента—436 лекторнинг 300 дан кўпроғи коммунистлардир.

Жамиятнинг район ташкилоти, шунингдек «Хоразм» колхози бошланғич ташкилоти райком бюросида ҳисоб беришди. Жадаллаштириш резервлари, фан-техника тараққиёти, бригада пудрати самарадорлиги пировард натижаларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Лекция пропагандасига партиявий раҳбарликни қайта қуришда Гурлан район партия комитети фаолияти ҳам ҳар томонлама ибратли. Бу ерда штатсиз лекторларнинг ғоявий-назарий билимини ошириш, лекция ташкилотчиларини ўқитиш кундалик назорат остига олинган. Лекцчялар тексти чуқур таҳлилдан ўтказилади, теманинг меҳнат коллективи ҳаёти билан боғланишига алоҳида эътибор берилади. Давр билан ҳамнафас, таъсирчан лекциялар кишилар ижодкорлигини ривожлантиришга, уларни меҳнат активлиги руҳида тарбиялашга катта ёрдам беряпти. «Билим» жамияти район ташкилоти 1985 йил якунига кўра, республика районлари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолибликни эгаллади. Ж. Раҳимов, Р. Худойберганова, Г. Ҳайитматов каби энг яхши лекторлар тажрибаси, шунингдек, «Коммунизм» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аллом Маткаримов бошлиқ бригадасидаги қишлоқ хўжалик халқ университети фаолиятига бағишлаб плакатлар чиқарилди.

Область партия комитети ва «Билим» жамияти ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарори асосида тузган план-графикда 106 лекторнинг йил давомида қачон ва қаерда, қайси мавзуда лекция ўқиши аниқ белгиланган. Фалсафа фанлари кандидати Ҳ. Сафоев, иқтисод фанлари кандидати Э. Бобожонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи С. Оллаберганов ва бошқа кўпгина олимлар, мутахассисларнинг Коммунистик партия ва Совет давлати ички ҳамда ташқи сиёсати, халқаро аҳвол, жадаллаштириш стратегияси мавзуларидаги лекциялари тингловчиларда яхши таассуротлар қолдирмоқда.

Эътироф қилишимиз керакки, лекция пропагандасининг аҳволи КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари, қайта қуриш ва туб бурилишлар даври талабларига тўла жавоб бермайди. Лекторлар аттестациядан ўтказилган даврда бу нуқсон кўзга яққол ташланди. 5100 лектордан 4300 киши аттестациядан ўтди. Бу— табиий ҳол. Бизга рўйхатдаги катта рақамлар эмас, балки ишлайдиган, давр талабига жавоб бера оладиган, ғоявий-назарий, махсус ва методик тайёргарликка эга бўлган лекторлар керак.

Номлари лекторлар рўйхатида бўлса ҳам, ўз бурчларини оқлашга бепарволик билан қараётган раҳбар ходимлар йўқ эмас. Қўшкўпир район агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари С. Полиёзов, санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи Ш. Абдуллаев лекциялар графигининг қоғозда қолиб кетишига йўл қўйганлар. Янгибозор район агросаноат бирлашмаси мутахассислари лекция пропагандасида камдан-кам қатнашадилар. Область мебель-маншиш буюмлар корхонаси, Урганч шаҳар саноат моллари савдоси, автовокзал каби ташкилотлар раҳбарларининг айби билан лекциялар белгиланган вақтда ўқилмасдан қолди. Бунга ўхшаш фактлар қайта қуриш даврининг идеология жабҳасига бўлган юксак талаби айрим раҳбарларга ҳали ҳам етиб бормаганлигидан далолат беради.

«Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотлари қониқарсиз ишлаётганлигидан кўз юма олмаймиз. Бошланғич звено лекторлари орасида йил давомида битта ҳам лекция ўқимаган, сиёсий савиясини оширишга бефарқ қараётган ходимлар бор. Хўжалик раҳбарлари, етакчи мутахассислар лекция пропагандасида камдан-кам қатнашмоқдалар. Баъзи лекторларда на текст бор, на тезис. Текстларни тақриздан ўтказишга эътибор берилмаётир. «Билим» жамиятининг Хоразм электр тармоқлари корхонаси, Урганч сут заводи, паррандачилик фабрикаси, Янгиариқ районидаги Чапаев номли колхоз, Хива қишлоқ хўжалик техникуми ва бошқа меҳнат коллективларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари лекция пропагандасидаги камчиликларни бартараф этиш, «Билим» жамияти ташкилотларининг ишини қайта қуриш йўлида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Партия ташкилотлари иш планида лекция пропагандаси аниқ акс эттирилган. Коммунистлар орасидан 2300 та лекция ташкилотчиси танланди, лекция ўқиладиган 2 мингдан ортиқ аудиторияни жиҳозлаш ва безатиш ниҳоясига етказилди. Уларнинг кўпчилиги цехлар, участкалар, устахоналар, фермалар ва дала шийпонларида жойлашган. Ҳар ҳафтанинг жума кунида «Лектор куни» ўтказиляпти. Лекторни ўқитишнинг ягона системаси ишлаб чиқилиб, уларга зарур методик ёрдам кўрсатилаётир. Лекторийлар, халқ университетлари тармоғи, цикл лекцияларнинг тематик доираси кенгайди. Савол-жавоб кечалари, мароқли суҳбатлар план асосида ўтказилаётир.

Амалга оширилган тадбирлар олдимизда турган катта вазифаларни бажариш йўлидаги дастлабки қадам, холос. Партиямиз идеологик-тарбиявий ишни,шу жумладан лекция пропагандасини янги, юксак поғонага кўтаришни талаб этмоқда. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида ҳам алоҳида таъкидланди, идеология иши самарадорлигини оширишнинг асосий йўл-йўриқлари кўрсатилди. Ана шу муҳим ишнинг бир қисми лектор зиммасига тушади. Лекторнинг бурчи —идеология фронтининг актив жангчиси бўлишдан иборат. Ана шу шарафли бурч уни ижодкорликка, билим ва маҳоратини тинмай оширишга, давр билан ҳамнафас бўлишга даъват этади.

Э. РАҲМОНОВ,
Хоразм область партия комитетининг секретари.

ШЎРТАН ҚУВВАТИНИ ОШИРМОҚДА

Шўртан газ комплексида паст температурада сепарация қилувчи тўртинчи қурилма ишлай бошлади. Энди комплекснинг қуввати йилига юз миллионлаб куб метр газни қайта ишлашга етади.

Қурилма ер бағридан келадиган газни намлик ва конденсатдан тозалаб беради. Янги қурилманинг аввалгиларига нисбатан резерв технологик линияси ҳам бўлиб, бу линия экстремал шароитларда комплекснинг пухта ишлашини таъминлайди.

Бу йилдан бошлаб Шўртан газ комплекси коллективи хўжалик юритишнинг янги формасига—ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтди. Бу кўпдан-кўп хизматларни қайта қуришни, ишлаб чиқариш бўлинмаларини қайтадан ташкил этишни тақазо қилди.

Шўртанликлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига икки йиллик планни бажариш мусобақасига қўшилдилар. Коллективнинг умумий йиғилишида оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Оз унумли меҳнатдан 80 кишининг қўлини бўшатишга, пландан ташқари 300 миллион куб метр газ қазиб чиқаришга қарор қилинди. Пландан ташқари тушадиган фойда 1 миллион 250 минг сўм бўлиши керак.

(ЎзТАГ мухбири).

Шўртан,
Қашқадарё области.

«Элга хизмат — олий ҳиммат», дейдилар. Ал-жижон областидаги Ленинск автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи М. Ҳакимов ўз фаолиятида ана шу талабга қатъий амал қилиб келмоқда, йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш ва уларга маданий хизмат кўрсатиш чораларини кўрмоқда. Суратда: илғор машина ҳайдовчилар бригадири М. Ҳакимов.

Г. КЕЧКИН фотоси.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида тингловчилар навбатдаги группасининг машғулотлари тугади. Группа составида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетларининг маъмурий органлар бўлимлари, партия контроли комиссияларининг, умумий бўлимларининг масъул ходимлари, халқ контроли шаҳар комитетларининг раислари бор.

Ўқиш давомида КПСС XXVII съездининг назарияни ривожлантиришга қўшадиган ижодий ҳиссасига: партия раҳбарлик ролининг, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш концепциясининг қонуний ўсишига, жадаллаштириш вазифаларини рўёбга чиқаришда инсон омили ролини оширишга бағишланган туркум лекциялар тингланди. Янги тарихий шароитларда партиявий ишни қайта қуриш практикасига, давлат ва халқ контроли органлари ишида таъсирчанликни оширишга, ошкоралиқни кучайтиришга катта эътибор берилди.

«Давра столи» атрофида бўлиб ўтган суҳбатларда республика Прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар ва Юстиция министрликларининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, юридик хизматни такомиллаштириш, уй-жой қонунларига риоя этиш, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш, социал адолат принципларига қатъий амал қилиш масалалари муҳокама этилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, граждарларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалга ошираётган ишлар тўғрисида тингловчиларга ахборот берилди. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Халқ контроли комитетининг тегишли бўлимлари ва комиссиялари иш практикаси билан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент область партия комитети, республика министрликлари ва идораларининг масъул ходимлари, олимлар тингловчилар ҳузурида лекциялар ўқидилар.

(ЎзТАГ).

• *Ташвишли сигналлар*

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН ХАМЁНИДАН АЙРИЛАР

Фарғонадаги химия заводи муҳим буюртманинг фақат ўндан бир қисмини ўз вақтида бажара олди, холос. Чебоксар шаҳридаги саноат тракторлари заводига қуйма қолиплар ва стерженлар тайёрлаш учун зарур бўладиган «Фуритол-68» моддасидан 34 тонна жўнатилди. Агар корхона қўлида шу материал етарли бўлмаса Сибирь, Узоқ Шарқ ва Узоқ Шимол районлари учун энергияни кўп ишлатадиган замонавий машиналар ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиб бўлмайди.

Бутун мамлакатдан Фарғонага «Фуритол-68» моддасидан юборинг, деган турнақатор буюртмалар келиб турибди. Фуритол Волжск автомобиль заводига ҳам, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳам, бошқа ўнлаб машинасозлик корхоналарига ҳам зарур. Аммо кимёгарлар бу илтимосларни бажаришга қодир эмаслар.

«Пластмассалар» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Пластмассалар институти Фарғона бўлимининг олимлари бундан беш йил муқаддам «Фуритол-68» моддасини ишлаб чиққан эдилар. Ҳамонки, материал бор экан, уни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган экан, хўш, яна нима етишмаяпти?

Ҳамма гап шундаки, «Фуритол-68»ни кўплаб ишлаб чиқариш керак.

Шундай экан, иш нимага келиб тақалиб қолди?

— Фенол хом ашёси омбори қурилиши тўхтаб қолди, — дейди химия заводи ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи В. Киселев. — Область санитария-эпидемиология станциясининг вакиллари янги омбор лойиҳасига икки йилгача имзо чекишмади. Чизмаларда нуқсонлар бўлгани учун шундай ҳол содир бўлгандир, демоқчимисиз. Асло, бундай эмас. Омборни қайси категорияга киритсак экан, деб ҳардамхаёллик қилишди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг аралашуви билан ниҳоят лойиҳага имзо чекилди. Аммо вақт бой берилган эди. Фенолни ҳамон эски омборда сақлашмоқда.

Масала ўрнидан силжимаётганлигининг кўзга яққол ташланиб турган сабаби ана шу. Лекин пинҳоний сабаб ҳам бор. Завод раҳбарлари «Фуритол-68»ни кўплаб ишлаб чиқаришни исташмаяпти. Шундай қилинса, ишлаб чиқариш ҳажмлари вақтинча камаяди, қўшимча харажатлар бўлади. Бу эса, ялпи маҳсулот кетидан қуваётган корхона раҳбарларига ёқмаяпти.

Аммо фуритол шу қадар зарурки, ҳар тонна маҳсулотга энди фарғоналикларга 225 сўм кўп нарх тўланадиган бўлди. Демак, бу моддани ишлаб чиқаришдан кўпроқ фойда олинади. Аммо шунга қарамасдан иш ўрнидан силжиётгани йўқ.

— Тахминан, 1988 йилда фенол учун янги омбор қуриб бўламиз, шундан кейин ишлаб чиқаришни модернизация қилишга киришамиз. Ўшандан кейин эса... —корхона бош инженери Л. Гранкина масалаларнинг саноғига етолмай қолди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 1990 йилда машинасозларга 2 минг тонна фуритол зарур бўлади. Шу аснода 2,5 миллион сўм тежаб қолиш мумкин.

Агар иш суръати шу таҳлитда кетаверса, икки ярим миллион сўм тежам қоғозда қолиб кетадиганга ўхшайди. Фарғона химиклари «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди» деган мақолни эшитмаганга ўхшайдилар.

Фарғона.
(ЎзТАГ мухбири).

ҚУРИЛИШ НЕГА ЧЎЗИЛЯПТИ?

СССР Енгил саноат министрлигига қарашли Олмаота давлат лойиҳа институти мутахассислари авторлар назоратини ўтказиш учун келиб, қурилиш майдонидаги аҳволни кўриб ёқаларини ушлаб қолишди: ошхона томини тутиб турган кўндаланг темир-бетон конструкциялар олти сантиметр эгилибди. Яна бир оз эгилса борми... том босиб қолиши аниқ. Иш тўхтатиб қўйилди.

Бу ерда бошқа нуқсонлар ҳам аниқланди: Самарқанд трикотаж фабрикаси асосий ишлаб чиқариш корпуси томида конструкцияларнинг уланган жойлари очилиб , кетиб, қор-ёмғир металл конструкцияларни занглатиб юборибди. Худди шу ерда сейсмик белбоғ ҳам ёрилиб кетган. Ҳолбуки, ана шу муҳим халқ хўжалиги объекти тикланаётган йиллар давомида Самарқандда зилзила бўлгани йўқ.

Бу ерда нималар бўляпти?

Қурилиш майдонига камдан-кам келадиган лойиҳа авторлари кейинги вақтда Самарқанд йўлини унутиб юборишди. Улар бинокорларга ишонган бўлсалар керак. Бинокорлар эса қурилишни чўзишда ҳар қандай рекордни орқада қолдириб кетишди. Трикотаж фабрикасини қуриш учун «Самарқандхимстрой» трести бош пудратчи қилиб белгиланган. Қурилиш йигирма беш ойдан буён давом этмоқда. Лекин ҳали унинг охири кўринмаяпти. Ҳолбуки, шу йилнинг 1 феврали фабрика ишга тушириладиган сўнгги муддат қилиб белгиланган. Яъни 1 февралда янги корхонада станоклар ишга туширилиши керак. Лекин асосий корпус биноси техника талабларидан ортиқ равишда чўккан бўлса, водопровод ва канализация герметиклиги бузилган бўлса, тозалаш иншооти шу вақтгача қоғозда қолиб кетаётган бўлса ва ниҳоят саноат оқавасини қаерга оқизиш маълум бўлмаса. Бу қимматга тушувчи объектни фойдаланишга қандай қабул қилиш мумкин? Бундан ташқари майда-чуйда нуқсонлар ҳам оз эмас. Фабрика территориясини олдиндан тупроқни зичлаштирмай туриб, асфальтлаштиришни бошламоқчи бўлиб турган қурувчилар сўнгги пайтда тўхтатиб қолинди. Агар улар тўхтатилмаганда бир ҳафтадан кейин қурилиш майдонига занжирли трактордагина кириш мумкин бўлар эди.

Бу йирик объектда бironта ҳам телефон йўқ. Телефон туширишни унутиб қўйишган. Қурилишдаги кўпол хатоларни санаб ниҳоясига етиш қийин. Бундай бетартиблик кимнинг айби билан бўляпти?

Бу ерда айбни бир-бирига тўнкашга уринишади. Анинги айтадиган бўлсак, лойиҳачилар ҳам айбдор, улар авторлар назоратини олиб боришни унутиб қўйишган. Қурувчилар ҳам айбдор, улар корпусларни лойиҳадан жиддий чекинишлар билан барпо этганлар. Буюртмачилар ҳам айбдор, улар гўё ҳеч нарса бўлмагандек бепарво юришибди...

Самарқанд трикотаж фабрикаси коллективи шу йилнинг ўзида саккиз миллион дона ички трикотаж ишлаб чиқариши лозим эди. 1988 йилда эса ўн олти миллион дона буюм тайёрлаб бериши керак. Бу ишларни уддалаш осон эмас.

Янги корхона учун кадрлар-чи? Юзлаб йигит ва қизлар мамлакатимиздаги энг яхши корхоналарда таълим олиб қайтиб келишган, ҳозир иш бошлашни кутиб юришибди. Вақт ўтиши билан улар ўз малакаларини ҳам унутишмоқда.

Олдинда эса яна планларга ўзгартириш киритиш керак. Самарқанд трикотаж фабрикаси қурилишида бунга ўрганиб қолишган. Ҳозирча эса... лойиҳачилар фойдаланишга топширилиши лозим бўлган корпусларни текшириб, ёқаларини ушлашяпти. Тўғрисини айтганда, бу ерда ажабланарли ишлар бўляпти.

Самарқанд.

Л. ТОКАРЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми геология соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги, республиканинг минерал хом ашё базасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, ижтимоий ҳаётда актив иштирок этганлиги учун «Узбекгидрогеология» геологик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Фарғона гидрогеология экспедициясининг бошлиғи ўртоқ Эркин **Иномова**, Ўзбекистон ССР Геология министрлиги геология бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Виктор Николаевич **Пузиновга**, «Самаркандгеология» геология ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ингичка тажриба-методик технология экспедициясининг бошлиғи ўртоқ Виктор Михайлович **Чибисовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог»**; Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот институтининг директори ўртоқ Абдуҳамид **Абдумажитовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»**; «Узбекнефтегазгеология» геология ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Олот нефтегазразведка экспедициясининг пармалаш мастери ўртоқ Эргаш Ҳикматович **Ҳикматовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвонлари берди ва Ўзбекистон ССР Геология министрлиги ташкилотлари ходимларининг бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

• *Таҳлил ва сабоқ*

СУҒОРИЛАДИГАН ГЕКТАРЛАР НАЗОРАТДАМИ?

Қўриқ Элликқалъа райони бундан 5-6 йил илгари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш план топшириқларини ошириб бажарар, район Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳосилдорликни оширишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келарди. Айрим хўжаликлар, бўлим ва бригадаларда гектар бошига олинган ҳосил 55—60 центнердан ҳам ошган эди.

Бироқ кейинги уч йил ичида районда пахта тайёрлаш плани сурункасига бажарилмай қоляпти. Хўш, сабаб нима?

Гапнинг лўндаси — илгари район хўжаликларида пландан яшириб қолинган майдонларга ҳам чигит экиларди. Бу ҳол айниқса, 1980-1983 йилларда оммавий тус олганди. Натижада районда қўшиб ёзиш, давлатни алдаш, кўзбўямачилик ҳоллари вужудга келди. Устига-устак, янги ерлар комплекс ўзлаштирилмади.

Ишда бундай қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган район партия, совет, хўжалик раҳбарлари тегишлича жазоландилар, албатта. Бироқ улар ўрнига келган янги, ёш кадрлар ҳам ҳали ўз ишларини давр талаблари, жадаллаштириш ва қайта қуриш руҳида ташкил этолмаяптилар.

— Чиндан ҳам уч йилдан буён юзимиз шувит бўлиб қоляпти, —дейди район партия комитетининг биринчи секретари А. Юсупов. — Бунинг асосий сабабларидан бири—чигит экилаётган 18 минг 300 гектар майдоннинг 10 минг гектари янгидан ўзлаштирилган ерлардир. Уларнинг ҳар гектаридан нари борса 10 центнер ва ундан ҳам кам ҳосил олинмоқда. Ер ости сувлари кўтарилиб, майдонлар шўрланиб кетяпти. Коллекторд-ренажларнинг яроқсизлигидан зах сувларни қочириш имкони бўлмаётир. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги ва янги сув йўллари очилмаганлигидан пахта ҳамда бошқа деҳқончилик экинлари яхши ривожланмаяпти, ҳосилдорлик кўтарилмаётир. Янгидан ўзлаштирилган ерлар кўпайиб бораяпти-ю, бироқ уларнинг ҳосилдорлиги билан ер ўзлаштирувчи ташкилотлар қизиқмаяптилар.

Дарвоқе, район халқ хўжалигида интенсив технологияни амалга оширишда РАПО мутахассисларининг ҳам роли сезилмаяпти. Фактларга эътибор қилинг: 1984 йилда районда фақат бир хўжалик, 1985 йилда эса икки хўжалик пахта тайёрлаш планини бажарди, холос. 1986 йилда эса бирор хўжалик ҳам маррага етолмади. «Дўстлик», «Ленинград» (раислари Ж. Бердиев, Т. Мадраҳимов) колхозларида кейинги уч йилдан буён пахта тайёрлаш плани 68-70 процентдан ошмаяпти. «Қирққиз», Охунбобоев номли совхозларда (собиқ директорлари М. Кенжаев, Р. Худойберганов) ва бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол шу.

— Совхозимизда пахта етиштириш йил сайин қўпайиш ўрнига камайиб бораяпти, — дейди «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхоз-техникумининг директори Х. Эшчонов. — Масалан, ўтган йили давлатга пландаги 5580 тонна ўрнига 3663 тонна пахта сотдик. План бажарилмади.

Давлатдан қарздор бўлиб қолдик. Сабаби, хўжаликда ишчи кучи етишмайди. 1983-1984 йилларда пахта майдонларини коллекторлар суви билан суғордик. Бу— ерларнинг шўрланиб кетишига олиб келди. Совхозимиз Элликқалъа каналининг этагида жойлашгани учун вегетация пайтида сув бизгача келиб етмайди, ғўзани қондириб суғориш имкониятига эга эмасмиз. Жумладан, ўтган йили сув 25 июлдан кейин келди. Бунгача чаңқаган ғўзаларнинг гули тўкилиб кетди.

— Йил ҳар қанча мураккаб келган шароитларда ҳам планни бажариб келардик, — суҳбатга қўшилди «Қирққизобод» колхозининг бош агрономи Э. Раманов.— Хўжалигимиз тарихида фақат ўтган йили. —1986 йилдагина пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Чунки, районда сув танқислиги узоқ давом этди. Бизнинг шароитимизда 1 июлдан кечикмасдан ғўза қатор ораларига сув таралиши керак. Ҳолбуки, ўтган йили 20 июлгача сув келмади. Ғўзалар қовжираб қолди, пайкаллар қарийб 1-1,5 марта ишлов ни кам олди. Натижада ҳосилдорлик гектар бошига 8-10 центнерга камайиб кетди. 20 июлдан кейинги суғориш эса ғўзанинг ўсишини одатдагидан тезлатиб юбориб, ғовлаб кетишга олиб келди.

Шунингдек, вилтдан ҳам катта зарар кўряпмиз. Ҳозирнинг ўзида 500-600 гектардан кўпроқ майдонда вилт бор. Бу ҳисобдан ҳам гектар бошига ўтган йили давлатдан 669 тонна пахта қарз бўлиб қолдик. План 88,34 процентда қолиб кетди. Ҳосилдорлик аранг 25,04 центнерга тўғри келди.

Район хўжаликларида пахтани машинада териб олиш тўғрисида ҳар йили кўп гап бўлади. Эрта баҳорда: «ҳосилнинг камида 70-80 процентини машиналарда териб оламиз!», —деган ваъдалар берилади. Кузга келиб уларнинг ҳаммаси унутилади.

Бугина эмас, Элликқалъа кейинги уч йилда сабзавот тайёрлаш планларини ҳам бажаролмасдан қоляпти. Гўшт, сут ва тухум етиштиришда силжиш сезилмаётир.

Районда чорвачиликни интенсив ривожлантириш тадбирлари кўрилмаётир. Маълумки, ем-хашак базасини яратмасдан туриб, тармоқда силжиш ясашга эришиш қийин. Кейинги йилларда бу ерда ем-хашак тайёрлаш миқдори бироз кўпайган бўлса-да, иш сифати талаб даражасида эмас. Айниқса, беда пичани, маккажўхори ва бошқа тўйимли озуқа экинлари ҳосилдорлиги пасайиб кетяпти. «Октябрь 60 йиллиги» совхозида гектар бошига 37, Калинин номли колхоз ва «Москва» совхозида 30 центнердан маккажўхори дони етиштирилаётгани кимни қаноатлантиради! Ленин номли, «Дўстлик» колхозларида, Оржоникидзе номли, «Қирққиз» совхозларида эса бу кўрсаткич 11-15 центнердан ҳам ошмаётгани афсусланарли ҳол. Шунинг учун ҳам район хўжаликларида гўшт ҳам, сут ҳам кўпаймаётир.

— Мўл, арзон, сифатли маҳсулот етиштириш ҳақида кўп гапирамизу, қишлоқ хўжалиги экинларининг айрим турларига қилаётган сарф-харажатларимиз ошиб кетмоқда, —дейди район агросаноат бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Т. Отабоев. —1984 йилда район бўйича 1 центнер пахтанинг таннархи 50 сўм 60 тийин ўрнига 65 сўм 6 тийинга, 1985 йилда эса 67 сўм 41 тийинга тўғри келди. Ўтган йили ҳам ўзгариш бўлмади. Ҳар центнер ҳосил пландаги 55 сўм 10 тийин ўрнига қарийб 66 сўм 41 тийинга тушди.

Ўтган йилларнинг бу сабоқларини таҳлил қилиб, бугунги ишларга назар ташласак, аҳволни тузатиш йўлида ҳануз таъсирчан чоралар кўрилмаётгани гувоҳи бўламиз. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Районлараро ва хўжаликлараро ҳамда ички коллекторларни тартибга келтириш ишлари билан тегишли ташкилотлар кечагича шуғулланишмаяпти. Янги ерларга канал очиб, сув келтиришдек юмушлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Ленинизм», «Юлдуз», «Чайка» массивларида ўзлаштирилган ерларнинг катта бир қисми яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ҳозир районда 3012 гектар ер қайта ишловга муҳтож. Зах сувларни чиқариб ташлайдиган насос станциялари тўла қувват билан ишламаётир. Т. Маткаримов раҳбарлик қилаётган «Юг-каракалпакводстрой» трести ва шу трестга қарашли кўчма механизациялашган колонна коллективлари янги ерларни комплекс ўзлаштириш ва унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш йўлида сусткашлик қилмоқдалар. Қўриқ ерларга обиҳаёт келтиришда «Бинокор» канали қурилишини тезлаштиришда, коллектор-дренаж тармоқларини кенгайтириш ва тозалаш ишларини яхшилашда, шу билан бирга турар жойлар, маданий-маиший объектлар тикланишини жадаллаштиришда шошилмаяптилар.

Олдинда Қизилқум коллекторини реконструкция қилиш, «Восточний» коллектори қурилишини ниҳоясига етказиш сингари вазифалар турибди. Шунингдек,Амиробод канали ҳам реконструкция қилишга муҳтож. Район ижроия комитети ва РАПО (раислари А. Жуманиёзов, Ҳ. Ўринов) бу масалаларга жиддий эътибор беришлари керак.

Хуллас, Элликқалъа районида ҳал қилинмай келинаётган, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Наздимизда, бу муаммоларни ҳал этишда Автоном республиканинг партия, совет ташкилотлари, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ҳам четда турмаслиги керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *«Совет Ўзбекистони» юридик консультацияси*

КОЛХОЗЧИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Ҳурматли редакция, колхоз аъзоларининг меҳнат қилиш, дам олиш ва вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда нафақа олиш ҳуқуқи тўғрисида маълумот берсангиз.

М. МИТАНОВ,
Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

СССР Конституциясининг 40-моддасига биноан СССР гражданлари меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Колхоз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи Колхоз Намунавий уставининг 4-ва 24-бандларида, Колхоз ички иш тартиби намунавий қоидаларида, колхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қўлланмаларда ва колхозларнинг Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомида ўз аксини топган.

Колхоз Намунавий уставининг 24-бандига асосан колхоз аъзолигига қабул қилинган граждани колхозунинг билими, мутахассислигига ва касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда иш билан таъминлаш зарур. Колхоз аъзоси хўжалик йили мобайнида банд бўлиши учун тўлиқ ишланадиган иш берилишини колхоздан талаб қилиши мумкин. Лекин колхозларда айрим хўжалик ишларининг мавсумий бўлганлиги учун колхозчиларни бутун хўжалик йили давомида иш билан таъминлаш мумкин бўлмай қолади. Агар колхоз аъзоси асосий ишда бутун йил давомида тўлиқ банд бўлолмаса, унинг талабига биноан колхоз уни қўшимча иш билан таъминлаши лозим. Колхоз аъзоси учун колхозда бутунлай иш бўлмаса, унга колхоздан ташқарида ишлаши учун ёзма равишда рухсат берилиши керак. Колхоздан ташқарида ишлаши учун рухсат олмаган колхозчини у ишлаётган корхона ёки ташкилот маъмурияти ишдан бўшатиши лозим. Бу қоидадан колхозчи-пенсионерлар ва инвалидлар истиснодирлар.

Колхоз ички тартиб наъмунавий қоидаларининг 12-бандига биноан колхозчилар иш кунининг давомийлигини колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши белгилайди. Колхозчи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиб, касаллик варақасига эга бўлса ёки қарамоғидаги касалга қараш учун медицина справкаси олса, у ўша ҳужжатда кўрсатилган муддатга ишдан озод қилинади. Шунингдек, колхоз раиси ёки колхоз бўлинмалари (бригада, ферма ва ҳакозо) бошлиқларининг рухсати билан ҳам колхозчини ишдан вақтинча озод қилиш мумкин.

СССР Конституциясининг 41-моддаси ва Колхоз Намунавий уставининг 4-бандига биноан колхоз аъзолари дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ уларга дам олиш кунлари ва ҳақ тўланадиган йиллик отпускалар бериш билан таъминланади. Колхоз қонунчилигига биноан колхоз аъзоларининг дам олиш тартиби ҳам колхознинг ўзида белгиланади. Колхоз ички иш тартиби намунавий қоидаларининг 18-бандига биноан, колхоз аъзоларига ҳар ҳафтада дам олиш куни берилиши керак. Лекин долзарб иш мавсумида дам олиш кунларини колхоз касаба союз ташкилоти билан келишиб бошқа бўш вақтларга кўчириш ҳам қонунчилигда кўрсатилган. Чорвачилик ва бошқа шунга ўхшаш тармоқларда йил давомида узлуксиз иш билан банд бўлган колхоз аъзоларининг дам олиш графигини колхоз правленияси ёки колхоз ишлаб чиқариш бўлинмаси совети тасдиқлайди. Ишлаб чиқариш заруратига биноан колхоз аъзоларининг байрам кунлардаги дам олишини бошқа кунларга кўчириш мумкин.

Колхоз қонунчилигига асосан колхоз аъзолари мажбурий меҳнат нормалари минимумини бажарганда йиллик ҳақ тўланадиган отпуска оладилар. Колхоз правленияси ёки колхозчиларнинг умумий мажлиси узрли деб ҳисоблаган тақдирда мажбурий меҳнат нормалари минимумини бажара олмаган колхоз аъзоларига ҳақ тўланадиган отпуска берилади.

Ишлаб чиқариш зарурати туғилган ҳолларда колхоз правленияси касаба союз ташкилоти билан келишиб колхоз аъзосининг отпускасини унинг розилигига биноан кейинги йилга кўчириши мумкин. Ҳақ тўланадиган йиллик отпусканинг муддатини колхозчиларнинг умумий мажлиси белгилайди. Лекин бундай отпусканинг муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Ҳақ тўланадиган йиллик отпуска 18 ёшга тўлмаган ўсмирларга бир календарь ой муддатида, улар хоҳлаган вақтда берилади. Колхозда уч йилдан ортиқ узлуксиз ишлаган колхоз аъзоларининг йиллик отпускаси яна уч кунгача муддатга узайтирилиши мумкин.

Колхоз аъзоси вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда унга иш стажининг давомийлигидан қатъи назар нафақа тўланади. Медицина муассасаси томонидан бериладиган касаллик варақаси бундай нафақа олиш учун асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Колхоз аъзоси ҳақ тўланадиган отпуска даврида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотса, унинг бутун касаллик даври учун нафақа тўланади. Ҳақ тўланмайдиган отпуска даврида касал бўлган колхоз аъзосига нафақа тўланмайди. Лекин унинг касаллиги шундай отпускадан кейин ҳам давом этаверса, бунда нафақа тўланади.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун нафақа меҳнат қобилиятини йўқотган кундан бошлаб то колхозчи тузалгунча ёки унга врач меҳнат эксперт комиссияси томонидан (ВТЭК) инвалидлик белгилангунча муддатга тўланади. Узоқ касалликка чалинган колхоз аъзоларига кетма-кет 4 ойга ёки йил давомида 5 ойга нафақа тўланади. Айрим сурункали давом этадиган касалликларга истисно тариқасида 10 ойгача нафақа тўланади. Агар колхоз аъзосининг вақтинча меҳнатга яроқсизлиги иш давомида шикастланиш ёки касб касаллиги натижасида вужудга келса, нафақа бутун касаллик даври учун тўланади. Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш колхозчининг хўжалик ишидан ташқарида шикастланиши натижасида бўлса, нафақа касалликнинг олтинчи кунидан бошлаб тўланади.

И. ЖЎРАЕВ,
юридик фанлари кандидати.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

БЕКОБОД РАЙСН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Ойбек номли совхозда истиқомат қилувчи М. Еспўлатованинг хати 1- ва 2-бўлимлар аҳолиси умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Унда район партия комитетининг масъул ходимлари ҳам иштирок этишди.

Мактубда баён этилган фактлар асосан тасдиқланди. Йиғилишда сўзга чиққан кишилар тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда эскилик сарқитларнинг мавжудлигини қоралашди.

Йиғилишда Чаноқ қишлоқ Совети ижроия комитетининг тўйларни ўтказиш бўйича комиссияси ўз фаолиятини бўшаштириб юборганлиги, тўйлар ва бошқа расм-русумлар ўтказиш устидан назоратни сусайтирганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ойбек номли совхоз партия комитетига Чаноқ қишлоқ Совети ижроия комитети раиси (ўқишдан қайтиб келгач) ҳисоботини эшитиш тавсия этилди.

Совхоз партия комитети сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, меҳнаткашлар ўртасида янгича анъаналар ва расм-русумларни пропаганда қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди.

ЧИНОЗ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Охунбобоев номли колхознинг 6-бригада ҳисобчиси Р. Қосимов устидан тушган шикоят хат текширилди. Чиноз қум-шағал карьери ходимларига нисбатан қўполмуомалада бўлганлиги учун колхоз правленияси қарори билан Р. Қосимовга ҳайфсан эълон қилинди.

ПАХТАОБОД РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— «Андижон» колхози аҳолиси номидан ёзилган хат текширилди. Унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Хўжаликда молиявий интизомни бўшаштириб юборганлиги ва бошқа соҳадаги камчиликларга учун колхоз бош бухгалтери Ҳ. Тожибоев вазифасидан озод қилинди.

Район агросаноат бирлашмаси кенгашига хатда келтирилган камчиликлар учун масъул шахсларни муҳокама қилиб, тегишли чора кўриш топширилди.

- **Ўзи бошқа-ю сўзи бошқа кишилар**
- **Кўзмунчоқ ёки тумор фалокатдан сақлайдими?**
- **Бу сарқит динни тарғиб қилиш учун кўргазмали восита эмасми?**
- **Педагог машинасида туморни кўрган ўқувчи кимга ишонади?**

• *Атеистик мавзуда*

ТУМОР ТАҚҚАН МАШИНАЛАР

Гулистон колхоз бозори олдида яраклаб турган «Жигули» автомашинаси ойнасига осиб қўйилган туморга кўзимиз тушди. Шу пайт бозордан шошиб пакет тўла бир нарса қўтариб келган чаққон йигит машина рулига ўтирди. Ҳамроҳимиз — область давлат автоинспекциясининг катта инспектори Муроджон Жўраев унга мурожаат қилиб, ҳужжатларини кўрсатишни сўради.

— Магазинчи Шароф Фаёзов бўламан, тўққизинчи ОРСда ишлайман, — деб таништирди ўзини йигит. — Лекин машинанинг ҳужжати менда эмас. Бу хўжайиннинг машинаси. Шундоқ бозорга зув этиб бориб келай деб...

Аниқланишича, А 18—46 СИ номерли бу машина 2-агросаноат қурилиш трестининг 9-ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи коммунист Саъдулла Ҳайдаровга тегишли. Биз машинада осиғлик турган туморга ишора қилганимизда, магазинчи Ш. Фаёзов эпчиллик билан уни юлиб олиб, чўнтагига солди-да, шундай деди:

— Жон акалар, ёзиб юрманглар... Бизга гап тегса ҳам бошлиққа тегмасин!

Кейинги вақтларда ўз соляларидан қўрқиб, ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, ўз қилмишлари учун ғойибдан нажот излайдиган айрим савдо ходимлари, омборчилар дин пешволари гапига лаққа тушиб, машиналарига тумор ва кўзмунчоқлар осиб юришлари бежиз эмас. Улар бирон ножўя иш қилиб қўйишса ҳам «шу тумор асраб қолади», деб ишонишади. Бундай кишилар кўп ҳолларда диний маросимларни ўтказиш ишларига ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Шахсий машиналарига тумор ва кўзмунчоқлар осиб олиш билан эса улар ўзларини дин йўлидаги энг садоқатли кишилар қилиб кўрсатмоқчи, қоларверса, бошқаларга ҳам бу «садоқатлиликни» тарғиб этишмоқчи бўладилар.

Янгиер шаҳридаги аралаш моллар билан савдо қилувчи «Дилором» деб аталган 17-магазин сотувчиси Қурбон Маҳмудов ўзининг «Жигули» машинасига ялтироқ тумор осиб олган. Бу нарса уни бало-қазолардан асрармиш. Меҳнатобод район Ҳамза номли совхозидаги 3-ишчилар таъминоти бўлимига қарашли магазин сотувчиси И. Абдумажитовнинг 06—64 СИЗ номерли, Оқолтин район Ворошилов номли совхоз ишчилар таъминоти бўлимига қарашли магазин сотувчиси Э. Деҳқоновнинг 95—92 СИИ номерли, Гулистон районининг «Ўзбекистон» колхозидаги магазин сотувчиси Али Юсуповнинг Б 17—09 СИ номерли машиналарида тумор ва кўзмунчоқларни кўриш мумкин. Комсомол район матлубот жамиятига қарашли «Ленинград» совхозидаги магазин мудири Акрам Бадаловнинг А 14—41 СИ номерли «Москвич» автомашинасига ҳам учбурчак шаклидаги жимжимадор тумор тақиб қўйилган.

Омборчилар, бухгалтерлар, кассирлар, статистика соҳасида ишлайдиган кишилар ҳам савдо ходимларидан бу борада ортда қолишни истамаётирлар. Гулистон районидаги Крупская номли колхоздан Исоқул Бериқбоевнинг 25—97 СИЕ номерли «Жигули», шу колхозда яшаб пахта заводида бухгалтер бўлиб ишловчи Мустафоқул Қудратовнинг 22—13 СИИ номерли «Жигули», шу райондаги 9-ҳунар-техника билим юрти кассири Абдуманнап Сапаровнинг Б 21—77 СИ номерли «Москвич» шахсий автомашиналарида кўзмунчоқ ва туморларга кўзимиз тушди.

Боёвут районидаги Руцкий номли совхознинг 1-бўлими омборчиси Лапас Жўраевнинг Б 13—50 СИ номерли «Москвич» машинаси ойнасидаги туморга ишора қилиб, унга савол бердик:

— Лапас Тошбекович, айтинг-чи, машинангизга тумор осиб юришингизнинг сабаби нима?

— Ҳа, энди... кампирларнинг гапига кириб...

Шу райондаги Пушкин номли совхознинг 2-бўлими статистика ходими Бўстонқул Бойзоқов ҳам ҳисоб-китобдан адашмай, «фалокатдан асрасин» деб машинасига тумор осиб олибди. Бахтиёр Қодиров Гулистон районидаги К. Маркс номли колхоз автогаражида диспетчер бўлиб ишлайди. Унинг Б 39—03 СИ номерли «Москвич» шахсий машинасида осиғлик турган тумор бошқа шоферларнинг эътиборига тушмаслиги мумкин эмас. Диспетчер машинасига тумор осибдики, бошқалар ҳам осиши керак-да.

Б 40—91 СИ номерли «Жигули» автомашинаси ойнасидан учбурчак тумор кўриниб турарди. Машинадан тушган басавлат киши ўзини Ширин шаҳар маданият ва истироҳат боғининг директори Абдумавлон Абдураҳмонов деб таништирди.

— Ўзингиз маданият соҳасида ишлаб туриб, машинага тумор тақиб юргани уялмайсизми? — деб сўрадик ундан.

— Ўйдагилар тақиб қўйишипти-да. Хотин-қизлар бу томонини ўйлашмаган. Энди, буёғига пишиқ бўламиз, — деб жавоб берди боғ директори ва машинадан туморни узиб олиб чўнтагига солиб қўйди.

Гулистон шаҳридаги 30-автокорхонага қарашли 61—10 СИЖ номерли «ГАЗ—52» маркали балиқ ташиладиган катта машина рулида ўтирган йигит ўзини Суннатулла Мадаминов деб таништирди. У комсомол аъзоси экан. Лекин машина ойнаси олдига каттагина қизил духоба билан тикилган тумор осиб олибди. Бундай диний ақидаларга ишониб тумор осиб юрганлар қаторида 02—13 СИЗ номерли машина эгаси — 101-механизациялашган кўчма колонна пайвандчиси Шевкет Жемилов, Гулистон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси 98—92 СИЕ номерли машина эгаси Жумабой Табиев, 06—79 СИО номерли «Москвич» машинаси эгаси, комсомол аъзоси — Ховос районидаги Ж. Усмонов номли совхоз механизатори Н. Нурматов, Янгиер тикув-галантерия фабрикаси ишчиси, комсомол аъзоси — 03—62 СИЕ «Москвич» машинаси эгаси Оқмирза Каримқулов, А 68—31 номерли «Москвич» машинаси эгаси — Комсомол районидаги «Ленинград» совхози 8-бўлим механизатори Ашир Мавлонов, шу совхоз территориясидаги 3-механизациялашган кўчма колонна шофери, комсомол аъзоси — 08—66 ТШМ номерли машинани бошқарувчи Ихтиёр Аҳмаджонов, шу райондаги «Коммунизм» колхози 4-участкасидан А 37—13 СИ номерли шахсий «Жигули» ҳайдовчиси Аъзам Ўсмонов, 19—45 СИЗ номерли «Москвич» машинаси эгаси, — Бахт шаҳридаги қурилиш комбинати бетон узели хизматчиси, комсомол Абдуғаффор Абдураззақов сингари жуда кўплаб кишиларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Сирдарё область партия комитетининг катта мажлислар залида бир йилча илгари идеология ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда динга ишонувчи зиёлилар, тумор тақиб юрувчилар, диний маросимларни рағбатлантираётган шахслар қаттиқ танқид қилинган эди. Шунга қарамасдан диний расм-русумларга берилган кишилар ҳамон учраб турибди. Шахсий автомашиналарга тумор ва кўзмунчоқлар осиб юриш эса диний эътиқодни кўргазмали тарзда тарғиб қилиш ва намойиш этишнинг ўзгинасидир.

Таажжубки, бундай иллатларга берилганлар орасида ёш авлод тарбияси ишониб топшириб қўйилган педагоглар ҳам кўзга ташланиб қолмоқдалар. Гулистон район давлат автоинспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда 1985 йилнинг август ойида айрим ўқитувчиларнинг шахсий автомашиналарида ҳам тумор ва кўзмунчоқлар тақиб юрилганлигини қайд этган эдик. Шунга қарамасдан баъзи педагоглар бундай ақидапарастликнинг моҳиятини тушуниб етмадилар, 78—21 СИИ номерли машина эгаси бўлган Гулистон район Фрунзе номли колхозидаги 6-мактаб ўқитувчиси Анвар Ирисбоев, 52—92 СИИ номерли «Жигули» машинаси эгаси бўлган Боёвут район Руцкий номли совхоз 4-бўлимида яшовчи 27-мактаб ўқитувчиси Абдуҳамит Суюнов сингари туморга ишонувчи кишилар учраб туради. Улар анча вақтгача машиналарида туморни кўз-кўзлаб юришди. Сирдарё районидаги «Малик» совхозида яшовчи ўқитувчи Э. Бекмирзаев ҳам 52—55 СИО номерли «Москвич» машинаси ойнасига тумор осиб олганлиги қайд этилди. Хўш, ҳақли равишда шундай савол туғилади: юксак идеаллар тўғрисида оғиз кўпиртириб маъруза ўқиган бу ўқитувчиларнинг гапларига уларнинг машиналарида тумор кўрган ўқувчилар қандай ишонишади?

Шу ўринда яна бир ажабтовур фактларга эътибор беринг-а. Агар, медицина ходимининг машинасида тумор осиғлиқ турса-чи? Одамлар дин пешволари бўлган мулла ва табибларга ишонсинми ёки медицина ходимигами? Таассуфлар бўлсинким, шундай фактлар оз эмас. Ховос районидаги Ж. Усмонов номли совхозда врач-терапевт бўлиб ишловчи Ўсарқул Мирзабеков Б 05—58 СИ номерли «Жигули» машинасининг ойнасига тумор ва кўзмунчоқларни осиб юрибди. Бундай нарсаларни область дорихоналар бошқармаси хизматчиси Рустам Атамановнинг 46—45 СИИ номерли «Москвич» машинасида ҳам учратиш мумкин. Область сил касалликлари диспансерининг рентген машинасида ишловчи Жумабой Беккулов ҳам медицинадан кўра илоҳиётга ишонса керак. Чунки, 51—27 СИО номерли «Жигули» машинасига тумор тақиб олган. Коммунист Ўктам Кўпайсинов Ильич районидаги Волков номли совхозда жойлашган касалхонада «тез ёрдам» машинасини ҳайдайди. У ўзининг А 59—06 номерли «Жигули» машинасига тумор тақиб олибди.

— «Тез ёрдам» шофёри, бунинг устига коммунист бўла туриб тумор осиб юришингизни қандай тушунсак экан? — савол назари билан қараймиз унга.

Жавобидан эса бу нарсага у одатий расм-русум деб қарашини сезиб турибмиз:

— Ўзингизга маълум, бошқалар ҳам шундай қилишади-ку. Энди бутунлай тақмайман...

Область автоинспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган суҳбатлардан кейин жуда кўп кишилар ўз шахсий автомашиналарига осиб олган тумор ва кўзмунчоқларни чўнтакларига яшириб қўйдилар. Лекин, бу жуда қисқа вақт мобайнида кўзга ташланган нарсалардир. Ишонч ҳосил қилиш учун катта йўлларда атиги бир соат туришнинг ўзи кифоя. Шунда сиз тумор ва кўзмунчоқ тақиб намойишкорона ғизиллаб ўтиб бораётган машиналарни албатта кўрасиз.

Шу билан гапни мухтасар қилиб қўяқолсак бўларди. Лекин, ҳақли равишда саволлар туғилади: хўш, шундай кишилар ишлаётган идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари қаёққа қарашяпти? Бошланғич партия ташкилотлари-чи?

Ҳ. ХАЛИЛОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг 1987 йил январь ойи сони босмадан чиқди. У Узбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг биринчи секретари А. Клепиковнинг «Матбуотга партиявий раҳбарлик» рубрикаси остида берилган «Давр тақозоси» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

«Улуғ Октябрь 70 йиллиги» рубрикаси остида Тошкент область Чиноз район «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати Ф. Сефершаевнинг «Юксак гражданлик позициядан туриб» ва В. И. Ленин марказий музейи Тошкент филиалининг ходими К. Ризаеванинг «Мен — правдачиман» сарлавҳали мақолалари берилган. «Узбекистон Журналистлар союзининг VII съезди олдидан» рубрикаси остида эса Тошкент журналистика ташкилоти правлениеси бюросининг секретари Ф. Абдураҳимовининг «Ҳар бир журналист ташаббус кўрсатиши керак» ва «Правда Востока» газетасининг ўз мухбири В. Березовскийнинг «Сўз ва иш бирлигига эришиб» сарлавҳали мақолалари эълон қилинган.

«Ҳамкасбларимиз» рубрикаси остида Узбекистон Журналистлар союзи мукофотининг лауреати Ж. Саъдуллаевнинг «Таянч нуқтаси», ТошДУ журналистика факультетининг студенти И. Аҳмедовнинг «Ушалган орзу» ва Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Р. Умаровнинг «Газетага гул керак» сарлавҳали лавҳалари берилган. «Бизнинг интервью» рубрикаси остида эса журнал мухбири Л. Спиридоновнинг «Юлдузча» нашриёти директори Г. Нуруллаева билан суҳбати эълон қилинган.

«Китоб — оммага» рубрикаси остида Узбекистон Китобсеварлар жамияти республика правлениеси редакцион кенгашининг аъзоси М. Зуфарованинг «Китобхонлар мазнавий дунёсини бойитайлик» ва Узбекистон ССР Давлат китоб палатасининг директори Н. Мажидовнинг «Китоб савдоси эстетикаси ҳақида» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Булардан ташқари бу сонда «Полиграфия корхоналарида», «Полиграфчиларимиз», «Алоқачиларимиз», «Узбекистон рассомлари», «Деворий газета», «Изланиш клуби» «Редакция почтасидан», «Информация», «Реклама» рубрикалари остида ҳам бир қатор материаллар эълон қилинган.

• ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

Никарагуада совет автомобиллари

МАНАГУА. Эпчил «Лада»лар ва кучли «КамАЗ»лар, меҳнаткаш «ЗИЛ»лар ва «Раф» микроавтобуслари — «СССРда ясалган» деган маркаси бўлган жами 12 мингга яқин юк ташиш ва енгил автомобиллар хизматидан Никарагуа йўлларида фойдаланилмоқда. Совет машиналари Марказий Америкадаги ана шу мамлакатнинг мураккаб тоғ шароитларида ва сернам тропик ўрмонларида ҳам бемалол қатнайверади.

Автомобиль транспорти соҳасида СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик революцион Никарагуа учун муҳим аҳамият касб этади. АҚШнинг савдо-иқтисодий қамали ва Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган автомобиллар учун эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги сабабли мамлакатда транспорт воситаларининг ўткир тақчиллиги сезилмоқда.

«Вимса», «Аутениса», «Симек» деб аталган маҳаллий автотранспорт корхоналари совет машиналарига техникавий хизмат кўрсатмоқда ва ремонт ишларини бажармоқда. Бу ерда никарагуалик ҳамкасблар билан бирга СССРдан келган мутахассислар ҳам меҳнат қилмоқда. Улар техникани ўзлаштиришда кўмаклашмоқдалар. Ёш республикада малакали кадрлар тайёрлаш учун Совет Иттифоқининг ёрдами билан махсус курслар ташкил этилди. 1986 йилда ана шу курсларда 700 га яқин шофер, слесарь ва автомеханик тайёрланди. (ТАСС).

САЛЬВАДОР ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ БАЁНОТЛАРИ

ГАВАНА, 20 январь. (ТАСС). Дуарте режими Сальвадор халқига қарши олиб бораётган уруш фақат Оқ уйнинг манфаатларига хизмат қилади. Қўғирчоқ маъмурлар Вашингтон «АҚШнинг миллий хавфсизлиги» деб атаётган нарсани ҳимоя қилиш учун бу урушни давом эттирмоқдалар. Фарабундо Марти номидаги Миллий озодлик фронтига кирувчи Сальвадор Компартияси Марказий Комитети Бош секретари, Миллий озодлик фронти бош қўмондонлигининг аъзоси Шафик Хорхе Хандалнинг «Гранма» газетасида эълон қилинган баёнотида шундай дейилади.

Сан-Сальвадордаги АҚШ элчихонаси, деб таъкидланади сальвадорлиқ коммунистлар раҳбарининг баёнотида, мамлакатдаги ҳокимият маркази бўлиб қолди ва Дуарте режимининг ҳаракатларини ўзига мақбул тарзда бошқариб турибди. АҚШ Сальвадордаги миллий можарони ҳарбий йўл билан ҳал этиш умидидан қайтмай, бу мамлакатдаги граждан урушини давом эттириш учун ҳар қандай разил воситалардан ҳазар қилмаяпти. Можарони сальвадорликларнинг ўзларигина сиёсий йўл билан ҳал қилишлари мумкин. Мамлакат ички ишларига Американинг аралашувини жиловлаб қўйиш Сальвадорда тинчликка эришиш йўлидаги бош вазифадир, деб таъкидлади Шафик Х. Хандаль.

«Гранма» газетаси Миллий озодлик фронти бошқа раҳбарларининг баёнотларини ҳам босиб чиқарди. Леонель Гонсалеснинг баёнотида, жумладан, Сальвадордаги урушни давом эттириш учун АҚШ Дуарте режимига 1987 молия йилида 540 миллион доллар ажратишни режалаштираётганлиги таъкидлаб ўтилади. Шунга қарамай, деб уқтирди у, Сальвадор армиясининг қўзғолончиларга қарши қаратилган ва Пентагон стратеглари ишлаб чиққан режаларини амалга ошириш, боши берк кўчага кириб қолди.

• *Карикатурага шарҳ*

«ДЕМОКРАТИЯ» ҲИМОЯЧИЛАРИ

Майа шу карикатура Никарагуада чиқадиган «Баррикада» газетасидан олинган. Унда тасвирланган Америка танкчиси ҳамкасбига қарата: «Демократик режимлар хавф остида қолиши биланоқ, биз ҳаракат қилишни бошлаймиз», — демоқда.

Демократия... Вашингтон ўзининг қанчадан-қанча жиноятини ана шу сўз билан оқлаб келган. Мана, бир неча ўн йилдирки, Парагвайда золим Стресснер «демократияни ҳимоя қилиш» ниқоби остида ҳокимлик қилмоқда. Марказий разведка бошқармаси «демократияни сақлаб қолиш» деган баҳона билан Чилида Пиночет фитнасини ташкил қилди. «Демократия» деб Сальвадорда, Никарагуада, Афғонистонда, Анголада, Мозамбикда, Ливанда ва бошқа қатор мамлакатларда болалар пулемёт ўқлари ва авиабомбалардан ҳалок этилмоқда. Қаердаки ўлим шарпаси кезаётган бўлса, ўша ерда Америка танкларининг изи, Американинг қирувчи-бомбардимончи самолётларидан чиққан реактив тутунлар, Америка авианосецлари ортидан қолаётган кўпиклар кўриниб турибди.

Кейинги ўттиз йил ичида Гватемалада, Доминикана Республикасида, Вьетнамда, Гренадада ва бошқа кўплаб мамлакатларда Американинг машъум излари қолди. Қўшма Штатлар иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг ўзининг сиёсий мақсадларига эришиш учун 262 марта куч ишлатди. Денгиз пиёдаларининг «шоввоз йигитлари» ёки махсус куч бўлинмалари найзалар ёрдамида денгизлар ва океанлар нарёғида «демократик принциплар»ни қарор топтирдилар. Марказий разведка бошқармасининг «мулойим америкаликлари» панапастқамдан ўқ узиб, фитналар уюштириб, кўпорувчилик қилиб, ана шу принциплар учун курашдилар.

Бугунги кунда ҳам Америка жаҳонда американча «демократия»ни ўрнатиш ниятидан қайтмаяпти. Бу — қонхўр диктаторлар, «контрас»ларнинг босқинчи тўдалари, армия ботинкалари билан тепиладиган «демократиядир».

«Қўшма Штатларни мудофаа қилишнинг энг рентабелли, энг арзон ва энг яхши шакли — бу қўшинларимизни олдинги марраларда сақлаш, уларни шундай районларга ташлаш керакки, қўшинларимиз можаролларни сақлаб турсинлар ва шу билан биз бошқа мамлакатларга руслар билан муросага келмасликка бўлган қатъиятни мустаҳкамлашда ёрдам бера олайлик». Буни АҚШ мудофаа министри Каспар Уайнбергер айтган. Булар шунчаки оддий сўзлар эмас, бу Америка «демократияси» таянаётган ҳарбий-сиёсий доктрина ва айни пайтда шу «демократия» конструкциясининг бир қисмидир.

Америка президентларидан бири: «Дженерал моторс» учун нима яхши бўлса, у Америка учун ҳам яхшидир», — деган эди. Бу ҳам доктрина бўлиб, ўша машъум «демократия» конструкциясининг бошқа қисмидир.

«Дженерал моторс» ва бошқа трансмиллий гигантларга эса ўз молларини сотиш учун янги бозорлар, бой хом ашё манбалари ва арзон ишчи кучлари керак.

Агар руслар ҳақиқий озодликни, адолат ва демократияни тиклаб, трансмиллий гигантларни буларнинг ҳаммасидан маҳрум этсалар, бу «Дженерал моторс» учун ёмондир.

Ана шунда карикатурада тасвирланган «ҳимоячилар» ҳаракат қилишни бошлайдилар.

Михаил БЕЛЯТ,
АПН мухбири.

ҲИМОЯЧИЛАР



СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ ТУГАДИ

Дамашқ, 20 январь (ТАСС). СССР Министрлар Совети ҳузуридаги дин ишлари кенгашининг раиси К. М. Харчева бошчилигидаги шу кенгаш делегациясининг Сурияга қилган визити якунлари юзасидан бу ерда қўшма Совет — Сурия ахбороти эълон қилинди. Ҳужжатда томонларнинг энг муҳим халқаро проблемалар хусусидаги позициялари бир-бирига мос эканлиги қайд этилди ва тинчлик учун, ядровий қуролланиш пойгасига қарши курашда иккала мамлакат барча мусулмонлари ва диндорларининг куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлиги таъкидланади.

ЭРОН ВА ИРОҚ: ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бағдод, 20 январь. (ТАСС). Ироқ армияси фронт жанубий участкасининг Басрадан шаркрокдаги районида аҳволни батамом назорат қилиб турибди, деб хабар берди Ироқ бош ҳарбий қўмондонлиги. Қўшинлар Ал-Асмоқ кўли билан Эрон-Ироқ чегараси ўртасидаги 10 квадрат километрлик Ироқ территориясини эгаллаб турган душманни қисиб бормоқдалар. Қирувчи-бомбардимончи самолётлар Дизфул, Табриз, Қум, Исфаҳон ва Исломобод-Ғарб шаҳарларидаги саноат ва ҳарбий объектларни бомбардимон қилдилар. 8 январдан бери, Ироқ авиацияси кўрган умумий талафот 9 самолётдан иборат бўлди.

Никосия, 20 январь. (ТАСС). Ирна агентлигининг хабар беришича, Эрон йил бошидан бери Бағдодга 5 марта ракета зарбаси урди. Басра шаҳридаги нефть химияси корхоналари ўққа тутилди. Эрон қўшинлари Басрадан шаркда, 7 километр нарида Жасем дарёсини кечиб ўтиб, унинг ғарбий қирғоғида мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Ўтган кунлар мобайнида бу районда бўлган жанглар чоғида 2 минг Ироқ солдати ўлдирилди. Ҳужум бошланганидан буён ўтган давр мобайнида душман кўрган умумий талафот 31 минг кишига етди. Ироқнинг 47 самолёти уриб туширилди.

• *Маданият фонди—эзгулик рамзи*

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

«Газеталарда Совет маданият фонди ташкил этилганлиги тўғрисида ўқиб қолдим. Бу ташкилот нима билан шуғулланиши, унинг республикамиздаги фаолияти истиқболлари тўғрисида батафсил билишни истар эдик.

Қудрат ВАЛИЕВ, ишчи».

Саволга Совет маданият фонди правлениесининг аъзоси, СССР халқ артисти Бернора ҚОРИЕВА жавоб беради:

— Совет маданият фондининг Улуғ Октябрь 70 йиллиги нишонланадиган йилда иш бошлаши чуқур рамзий маънога эга. Давримизнинг инқилобий руҳи — халқимиз руҳи Қишки саройни штурм қилишдан, Совет ҳокимиятининг дастлабки одимларидан тортиб, то шу кунгача тўпланган барча яхши нарсаларни, ҳамма бой тажрибани ўзида мужассамлаштиради. Биз аждодларимиз қўли билан яратилган бой маданий меросимиз билан, тарихимиз билан фахрланамиз. Биз қардош халқлар иттифоқи ойласидагина маиа шундай ноёб, моҳияти жиҳатидан ягона миллий маданиятга эга бўлиб турибмиз. У шаклан чуқур миллий ва интернационал, умумбашарий, айни пайтда мазмунан социалистик совет маданиятидир.

Маданият фондига асос солганлар орасида таниқли олим ва шоир, созанда ва археолог, меъмор ва педагоглар бор. Улар Ватан бойликларининг ажойиб муҳофазачилари бўлиш билан бирга маънавий потенциал ижодкорлари ҳамдир. Фонд правлениесига қадимий адабий ёдгорликлар билимдони академик Д. С. Лихачев раис қилиб сайланди.

Маданият — кўп қиррали ва лўнда тушунчадир. Социалистик жамиятда маданиятнинг обрў-эътибори ниҳоятда баланд. Шунга кўра, юксак маданий савияга эга кишининг нуфузи ҳам шунчалик юқоридир. Маълумки, бугунги кунда инсон омили ҳар бир соҳада ҳал қилувчи восита бўлиб қолди. Маданият тараққиётисиз фан-техника тараққиёти бўлмайди. Бироқ шуниси ачинарлики, ахборотлар жуда кўпайган бизнинг асримизда маънавий қашшоқланиш хавфи кучаймоқда. Истеъмолчилик кайфияти, мешчанлик катта зарар келтиряпти. Ялтироқ яшашга интилиш ва бепарволик, бошқалар учун хизмат қилишдан қочиш, жамият олдидаги бурч масъулиятини йўқотиб қўйиш шунинг оқибатидир. Молпарастлик, ташқи жимжимадорлик кетидан қувиш, ҳақиқий гўзал нарсалар юзига парда тортмоқда. Баъзи кишиларни ҳақиқий маданият бойликлари эмас, балки қалбаки, сунъий нарсалар ўзига тортяпти. Китобларни қунт билан, мароқ билан ўқиш ўрнини шунчаки китоб ўқиш, рақслар ўрнини бўлар-бўлмасга пилдираш, мусиқа ўрнини товушлар йиғиндиси эгаллаяпти.

Фонд маданиятимизнинг кўпгина етилган, жиддий муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиши лозим. У ўзўзини бошқарувчи орган сифатида куч-ғайратини кенг халқ оммасининг ижобий ташаббускорлигини авж олдиришга йўналтириши керак. Бой маданият ёдгорликларига эга бўлган Ўзбекистонимизни олайлик. Оламга машҳур қадимий ва навқирон шаҳарларимиз-чи?! Халқ меъморчилигининг бетакрор ёдгорликлари, турли давр усталари яратган ижод намуналари, манзарали амалий санъатнинг кўзни қамаштирувчи дурдоналари, мақомлар ва лапарларнинг мусиқий оҳанглари-чи?! Бизнинг диёримизда жуда қадим-қадимдан турли фольклор байрамлари, халқ театри санъати, бозорлар ва майдонларда томошалар бўлган, аскиябозлар, қўғирчоқбозлар хизмат қилишган. Наҳотки, уларнинг телевидение даврида фақат музей экспонатлари бўлиб қолишига йўл қўйсак! Ўткир сўз билан аниқ нишонга уриш, камчилик ва нуқсонлар устидан кула билиш маҳорати, бу билан ана шу нуқсонларга барҳам бериш қобилияти — халқимиз анъанаси-ку! Назаримизда, биз тарихий тажрибага, маданият бойликларимизга мунтазам суратда мурожаат қилишимиз, мисқоллаб йиғилган халқ донолигининг бойликларини қўлдан чиқармаслигимиз лозим.

Энди шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасига бир назар ташлайлик. Афсуски, баъзи шаҳар раҳбарлари, архитекторлар, қурувчиларнинг бепарволиги туфайли уйларимиз, кўчаларимиз, боғларимиз кишини зериктирувчи бир хиллик тусини оляпти. Шуниси алам қиладики, ўзимиз ҳам бора-бора ана шундай бир хилликка кўникиб кетяпмиз. Бундан ташқари кўҳна биноларни эски деб бузамиз. Кейин эса улар тарихнинг бетакрор саҳифалари эканлиги, бу саҳифаларда ажойиб кишиларнинг тақдири ётганлиги маълум бўлади.

Бизнинг республикамизда қадимий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш борасида планли, интенсив иш олиб бориляпти. Кутубхоналар фонди тўлмоқда. Ноёб қўлёзмалар қидириб топиляпти. Халқ ҳунармандчилигини тиклаш бўйича кўп иш қилиняпти. Лекин, кундалик ҳаётимизда кўпинча бўлганидек, қўлимиз ҳаммасига етиб бормаяпти. Биз планлаштирилган ва планлаштирилмаган исрофгарчиликлар тобора камайишини истаймиз. Аммо бепарволик, нодонлик, беғамлик сарқитлари ҳали кўп. Ана шу ўринда Совет маданият фонди меҳнаткашларнинг талабчан ва одил ташкилоти бўлиши керак. Унинг қанчалик муваффақиятли иш олиб бориши ўзимизга, ҳар бир кишига боғлиқ. Чунки, ҳали қидириб топилмаган қанчадан қанча ёдгорликлар бор. Уларни йўқ бўлиб кетишдан ва унутилишдан сақлаб қолиш керак.

Фикримизча, коллекционерлар, ҳар хил қадимий ёдгорликларни тўплашга ишқивозлар сафлари борган сари кенгайиб боради. Улар орасида маънавий бойликларимизни кўпайтиришга ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан кўмаклашадиган кишилар албатта бўлади. Шу сабабли республикамизда кишиларнинг халққа текинга берадиган буюмларидан хусусий коллекциялар музейини ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти келди.

Фонд ўсиб келаётган авлодни маданий бойликлардан баҳраманд этишга, ёш истеъдодларни ўстиришга, ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши лозим. Чунки, маданий заминимиз ҳамма вақт бойиб бориши зарур.

Эстетик тарбия, маданият оиладан бошланади. Биз болаликда нимага эга бўлсак, у умримизнинг охиригача биз билан бўлади. Бу соҳада ҳамма ишимиз силлиқми? Ота-оналар болаларга кўп вақт ажратишяптими? Афсуски, оталар ва оналар вақт етишмаслигини баҳона қилиб, ўз фарзандлари билан бафуржа суҳбатлашишга эриняптилар. Тўғри, кўпгина оилалар биргаликда кинога тушиб туришибди. Аммо театрга камдан-кам боришади. Бутун оила бўлиб музейларга, суратлар галереясига бориш камдан-кам юз беради. Биргаликда китоб ўқиш, қўшиқ куйлаш деярли унутиб юборилган. Боланинг кўп вақти кўчада, бекорчиликда ўтяпти. Дам олиш — маданиятли бўлиб ўсиш, маънан бой бўлиш демакдир. Бизнинг идеалимиз ҳаётнинг ҳамма босқичларида шундай бўлиши керак.

Янгича тафаккур, масалаларга ижодий ёндашиш ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди. Бунинг учун оилада ҳам, болалар боғчасида ҳам, мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам, цехларда ва пахта далаларида ҳам қизғин, фидокорона меҳнат қилиш даркор. Табиат инсонни янада софдилроқ, олижаноброқ, виждонлироқ қилиб тарбиялайди. Шоир айтганидек, гулни ардоқлаган киши ҳеч қачон ёмонлик қилмайди.

Бу жараёнда ўз ўрнингни топиб олишинг, ўз позициянгни белгилаб олишинг ниҳоятда муҳимдир. Бизнинг давримиз дадиллик ва жасоратни, барча зарарли нарсалардан, энг муҳими, сохта маданиятдан тезроқ қутулишни талаб қилади. Мен ёш авлодни ҳар қандай касбни ҳурматлаш руҳида тарбиялаш керак, деб ҳисоблайман. Ҳар бир касб эгаси ўз меҳнатини санъат даражасигача кўтариши лозим. Шундай ишлаш керакки, одамлар сизнинг меҳнатингиздан ҳайратга тушсинлар. Ҳақиқий инсон бахтининг манбаи шундадир.

Совет маданият фонди мамлакат турли халқлари маданиятларини бир-бирига яқинлаштиришга ва ўзаро бойитишга, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришга қўмаклашади. У бутун воситалар билан қуролланиш пойгасига қарши курашади, ядро уруши хавфининг олдини олиш йўлларини қидиради. Бизнинг набираларимиз ва эвараларимиз ҳозирги дунёни бутун гўзаллиги билан кўришлари учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Биз учун бундан кўра олижаноброқ мақсад йўқ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни рус тилида нашрдан чиқарди:

Г. И. Желтова, А. А. Голованов, Т. А. Стукова. Жамиятшунослик дарсларида Озиқ-овқат программасини ўрганиш. 72 бет. Баҳоси 15 тийин.

Қўлланмадан мақсад жамиятшунослик дарсларида КПСС Марказий Комитети (1982 йил) май Пленуми ва унда қабул қилинган Озиқ-овқат программасининг назарий масалаларини ўрганишда ўқитувчиларга кўмак беришдир.

О. Қудратов, Ю. Сосновский, Н. Рустамов. Ипакчилик саноати корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш. 232 бет. Баҳоси 60 тийин.

Китобда меҳнатни муҳофаза қилишнинг предмети ва вазифалари тўғрисида тушунчалар берилган.

Р. С. Акопян. Ҳозирги замон рус тили сўз бириктмаси ва содда гап синтаксиси бўйича лекциялар курси. 132 бет. Баҳоси 25 тийин.

Китобда 10 лекцияга жой ажратилган. Унда сўз бириктмалари ҳақида гап боради ва лингвистик терминлар луғат-справочниги берилади.

Н. С. Рижков. Ҳозирги замон рус тили. Феъл. 128 бет. Баҳоси 25 тийин.

Қўлланмада феъл грамматик категориясининг тўла ва системали баёни берилади.

И. О. Одилов, В. И. Земель. Химия дарсларида дидактик материаллардан фойдаланиш. 22 бет. Баҳоси 5 тийин.

Рисолада дидактик материаллар, график топшириқлар, ижодий машқлар берилган.

М. Г. Давлетшин, М. С. Захарина. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш. 34 бет. Баҳоси 10 тийин.

Қўлланмада касб танлашнинг психологик жиҳатлари, мактабда олиб бориладиган касб танлашга йўллаш ишлари мазмуни ва методикаси баён қилинади.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

«Ташметрострой» ишчилари янги Ғафур Ғулом номидаги станцияда ер кавлашга киришдилар. Бу ишлар Ўзбекистон линияси иккинчи участкаси қурилишининг муҳим босқичидир.

«Навоий» станциясидан «Чорсу» станциясигача икки километру 150 метр узунликдаги мана шу участкада қатнов 1989 йилда очилиши керак. Участка тоннели аниқ графикка мувофиқ кавланмоқда. Бир-бирларига қараб ер кавлаб бораётган проходчилар ўртасида атиги 300 метр қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида Тошкент метросини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Унинг янги линиялари пойтахтнинг катта-катта уй-жой массивларини шаҳар маркази билан боғлайди. 1990 йилдаёқ олтита янги станция пайдо бўлади.

Бу станциялар қандай бўлади?

«Ташметрострой» бош инженери Владимир Николаевич Жданов мана шу саволга жавоб қайтарди. Бундан аввал у қурувчилар берган ваъдага мувофиқ Октябрнинг 70 йиллиги кунида «Тошкент», «Сельмаш» ва «Чкалов» станциялари ўртасида дастлабки поездлар қатнай бошлашини таъкидлади. 3,6 километр узунликдаги тармоқни муддатидан илгари ишга тушириш — «Ташметрострой» юбилей йили социалистик мажбуриятининг бош бандидир.

Шундай қилиб янги станциялар тўғрисида гап кетаётганди...

— «Сельмаш» станциясининг безакларида ўн хилга яқин мармар ишлатилган. «Чкалов» станциясига келганимизда перроннинг ўзидаёқ пассажирга у самолётсозлар шаҳарчасига келганлигини эслатади. Станцияни безашда аллюминийдан кенг қўлланда фойдаланилган, гумбазлар самолёт қанотлари шаклида ишланган. Чунончи кўпгина безак деталлари биз-нинг буюртмамизга мувофиқ Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ясалган.

— Энди Ўзбекистон линиясининг бошқа бир тармоғи — Чорсугача борадиган тармоқ тўғрисида гапирсангиз.

— Ер ости йўли қазий бошлангунича ер ости коммуникацияларини ўрганиш ва бошқатдан ётқизишга жуда кўп вақт кетди.

Ғафур Ғулом номидаги станция «Ғанга» магазинининг ёнида жойлашган. Унинг эскалаторли вестибюллари бўлади. «Чорсу» станцияси эски шаҳар бозорининг ёнгинасида «Болалар дунёси» магазинига қўшни бўлади. Бу ерга метро поездлари 1989 йилда қатнай бошлайди. Бу станция ишлаб турган «Ойбек» станциясига бироз ўхшаш кетади. Ўзбекистон линияси бундан нари кетади ва унинг жами узунлиги 4 километрга боради. «Чорсу»дан кейин университет йўналишида «Москва» меҳмонхонасидан бир километр нарида «Тинчлик» станцияси ва ниҳоят «Юбилейний» спорт саройи ёнида — «Беруний» станцияси келади. Студентларга, Қорақамиш, ТошМИ массиви аҳолисига, спорт шинавандларига қулай бўлади.

Келажакка бир оз назар ташласак, 2000 йилга нималар билан борамиз.

— «Ташметропроект» институтида «Ойбек» станциясидан Юнусобод массивигача борадиган линия лойиҳаси тузила бошлади. Кейинчалик у шаҳарнинг энг катта турар жой районларидан бирини аэропорт ва жанубий темир йўл вокзали билан боғласа керак. Унинг тахминий узунлиги 19 километрга боради. Аниқ маршрутни, станцияларнинг сонини кейинроқ маълум қиламиз.

Ҳозирча Тошкент босмаханаларидан бири метрополитен янги схемаларини тайёрлашга буюртма олди, бу схемада «Сельмаш» ва «Чкалов» станциялари ишлаб турган станциялар қаторига киритилади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

Ғалаба нашидаси

Тоғ-чанғи спорти бўйича «Чимён» туристик комплексида ўтказилган халқаро мусобақанинг учинчи ва тўртинчи кунлари старт майдонига кучли чанғичилар кўтарилдилар. Чанғичи йигитлар 1858 метр юксакликда узунлиги 520 метрли қиялик бўйлаб 60 та йўлакчадан ўтишда маҳорат кўрсатдилар. Бу сафар Чехословакия чанғичиси Павел Весельскининг омади келди. У маррагача 1 минут 47,090 секундли натижа билан муваффақият қозонди. Мусобақада ғалаба қозониш учун кураш тобора кескин тус олаётгани кўринди. Жумладан, халқаро баҳснинг биринчи куни 67 чанғичидан 18 нафари такрорий учишга муяссар бўлган эди. Бу гал 64 спортчидан 34 нафари яна старт майдонига кўтарилишга эришишди.

Польшалик Марик Рогальский дастлабки уринишда 54,03 секундли натижа билан учинчи бўлган эди. Лекин такрорий баҳсда маррага етолмай қолди. Қолган икки фахрли ўрин совет чанғичиларига насиб этди. Чунончи Михаил Осипов 1 минут 48,89, Дмитрий Арефьев 1 минут 50,06 секундли натижа билан ғолиблик супасининг иккинчи ҳамда учинчи ўринларига кўтарилишди. Бу билан Дмитрий иккинчи марта бронза медали совриндори бўлди. Ваҳолонки, у дастлабки мусобақада 1 минут 57,32 секундли натижа кўрсатган эди.

Хотин-қизларнинг навбатдаги мусобақаси 1830 метрли баландликда, 410 метрли қиялик бўйлаб ўтказилди. Улар 45 та йўлакчадан ўтиш бўйича ўзаро баҳслашдилар. Старт майдонига кўтарилган 43 чанғичидан 18 нафари иккинчи уринишда қатнашиш имкониятини қўлга киритдилар. «Чимён» бағрида ўтказилган мусобақаларда ленинградлик халқаро классдаги спорт мастери Людмила Кедринанинг омади келди. У бу сафар ҳам икки уриниш ҳисобида 1 минут 31,66 секунд натижа билан яна ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Людмила аввал куни 1 минут 40,042 секундли натижа кўрсатиб биринчи бўлган эди. Унинг командадоши Елена Ковалёва эса бу гал учинчи ўринни олди. Спорт мастери Ольга Алексеева 1 минут 42,06 секунд натижа билан иккинчи бўлди.

Мусобақада Болгария чанғичилари дуруст маҳорат кўрсата олмадилар. Чехословакия, Польша чанғичилари эса кучлилар сафида бўлишга ҳаракат қилишди. Жумладан, польшалик Барбара Войно, чехословакиялик Андреа Адамикова кучли ўнликдан жой олишди. Болгар чанғичиси Деслава Бедалькова биринчи уринишда 57,23 секундли натижа кўрсатиб, кўпчиликда умид уйғотган эди. Лекин иккинчи уринишда маррагача етиб келишни ўрнига қўёлмади. Шундай қилиб совет спортчиларидан Л. Кедрина билан В. Фаломеев ҳамда чехословакиялик П. Весельскилар халқаро мусобақа мукофотларини олишди. Шу тариқа чанғичилар «Чимён» ҳақида ажиб таассуротлар билан жўнаб кетишди.

Ҳ. НОСИРОВ,
А. АЛИМОВ.

СУРАТЛАРДА: халқаро мусобақа ғолиблари (чапдан) — СССР терма командаси аъзолари Владимир Фаломеев билан Людмила Кедрина.

А. Кошкин ва **В. Миленький** фотолари

(ЎзТАГ).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 да

«ОҚИЛОВЛАР ОИЛАСИ САҲНАДА»

«ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати ИСОҲОР ОҚИЛОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати МАРГАРИТА ОҚИЛОВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА;

«Москонцерт» солисти ЗУЛАЙҲО ОҚИЛОВА;

Тошкент маданият институти педагоги Гавҳар ОҚИЛОВА;

«Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг солисти ЛОЛА ОҚИЛОВА;

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ижодкор ёшлар уйи музикачиси ЮСУФ ОҚИЛОВ.

М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИ;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ва Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўриги конкурси лауреатлари «ШОДЛИК» ва «ЛАЗГИ» ансамбллари.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг МАҚОМЧИЛАР АНСАМБЛИ;

Ўзбекистон СЎР халқ артистлари: КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ, МУҲАББАТ ШАМАЕВА, ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА, ДИЛАФРЎЗ ЖАББОРОВА, МАЛИКА АҲМЕДОВА, МАЪМУРА ЭРГАШЕВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, АНВАР БАРАЕВ, ФЕРУЗА СОЛИҲОВА, ИЛЕС МАЛЛАЕВ, ИСОҚ КАТАЕВ;

Солистлар: Авром ТОЛМАСОВ, Рушана СУЛТОНОВА, Наржиддин ШЕРМАТОВ.

Программани — УТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти МАНСУР САЪДУЛЛАЕВ.

Билетлар В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат комитети

РСФСР КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИГА БОРИБ ДОИМИЙ ЯШАБ ҚОЛИШ УЧУН

ОИЛАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРИБ ЎТКАЗАДИ

Кўчиб бориш хоҳишини билдирган гражданлар қуйидаги жойларга расмийлаштириладилар:

Новгород областига — 6 февралгача;
Томск областига — 23 февралгача;
Киров областига — 28 февралгача;
Чита областига — 1 апрелгача;
Иваново областига — 20 апрелгача;
Хабаровск ўлкасига — 1 мартгача;
Амур областига — 10 мартгача.

Кўчиб бориш учун расмийлаштирилган оилаларга 2 тоннагача бўлган ўз мол-мулкларини бепул ташиб бориш ва бепул йўл юриш ҳуқуқи берилади, уларга бир йўла ёрдам пули тўланади, бундай оилалар турар жой ёки квартира, қурилишлари бўлган томорқа участкалари билан таъминланадилар.

Янги кўчиб борганлар икки йил мобайнида квартира ҳақи ва саккиз йил мобайнида қишлоқ хўжалик солиқлари тўлашдан халос этилади.

Расмийлаштириш масалалари бўйича барча справкалар юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Шаҳарларда — область ижроия комитетларининг меҳнат бўлимларига ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

Нукус шаҳрида — Қорақалпоғистон АССР Давлат меҳнат комитетига;

Районларда — Қорақалпоғистон АССР Давлат меҳнат комитети вакилларига ва область ижроия комитетларининг меҳнат бўйича бўлимларига.

Тошкент шаҳрида — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш бўйича район пунктлари.

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узагропромстрой» давлат-кооператив бирлашмасининг

«Узглавхлопкопром» республика қурилиш трести

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1 февралгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 702130, Тошкент область, Оржоникидзе район, Қибрай посёлкаси, Оржоникидзе кўчаси, 22-уй.

●

«Узглавхлопкопром» республика қурилиш трестининг

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ИДОРАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1 февралгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 702130, Тошкент область, Оржоникидзе райони, Қибрай посёлкаси, Оржоникидзе кўчаси, 22-уй. Телефон 62-234.

●

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг

«УЗМЕБЕЛЬБИТ» РЕСПУБЛИКА САНОАТ КОРХОНАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700069, Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 282 «а» уй.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон телевидениесининг Бухоро областидаги ўз мухбири М. Файзуллаева онаси

Муқаддас ФАЙЗУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари катта ўқитувчи Ҳ. И. Жалиловга рафиқаси

Ҳолида ЖАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ректорати, партия, касаба союз қўмитетлари ва умумий химия кафедраси коллективи доцент Г. Ш. Муҳиддинова онаси

Жамила Ғафуровна МУҲИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия комитети, касаба союз ташкилотлари ва автомобилларнинг техник эксплуатацияси кафедраси коллективи доцент Н. М. Мўминжонова онаси

Марғуба МУМИНЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Тингланг, томоша қилинг*

22 январь, пайшанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.25 —Болалар учун кўрсатув. 10.10 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Бадиий фильм. 4-фильм. 11.20 — Концерт. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.20 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Воронеж давлат санъат институти халқ чолғу асбоблари оркестри чалади. 17.40 — Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати. 18.10 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.55 — Мультфильм. 19.10 — Шу кунниг почтаси. 19.40 — Янгиликлар. 19.50 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Камера кўзгусида жаҳон. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Фильм-концерт.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — Умумий биология. 10.05 — Испан тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Зоология. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.55 — «Потёмкин броненосеци». Бадиий фильм. 14.10 — Тарих. 15.10 — Янгиликлар. 15.15 — Қишлоқ янгиликлари. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Музикали киоск. 19.00 — Саёҳатчилар клуби. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Волейбол. Европа чемпионлари кубоги. 21.30 — Время. 22.05 — «Пиковая дама». Бадиий фильм. 23.35 — Ҳужжатли фильм. 23.55 —Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Беш йиллик одимлари. 7.40 — Янги китоблар. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — «Рақс гулшанида». 16.35 — Ботаника. 17.10 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Физика. 18.15 — Фильм-концерт. 18.30 — Ўзбекистон касаба союзлари съезддан съездгача. Видеофильм. 19.00 — «Инсон ва замин». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Комсомол съезди олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — ЎзССР давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.30— Время. 22.05 — «Ахборот» тан қид қилади...» 22.30 — «Саҳна усталари». 23.30 — Тог чанғи спорти бўйича халқаро мусобақа.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Спорт панорамаси». 20.30 — Телефильм. 21.10 — «Енгиндан сақланинг». 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.10 — Ҳужжатли фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — Халқ талантлари концерти. 9.50 — Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида гапирилган эди. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — Малши. 13.30 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 16.30 — Р. Рождественский шеърлари. 18.15 — Ўзбекистоннинг чет эллик меҳмонлари сўлайдилар. 18.30 — Экран куй ва қўшиқлари. 19.20 — Юность Узбекистана. 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — «Қармоқ». 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Қишлоқларда ҳаёт наъшаси. 23.25 — Спорт кундалиги. 23.35 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08520. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 18. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12